7 - НОЯ 1992

УЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ— ИЖТИМОИЙ АДОЛАТ ВА ТАРАҚҚИЁТ УЧУН КУРАШУВЧИЛАР ПАРТИЯСИ

Ватан севмак иймондандур!

Ўзбекистон овози

Газетага 1918 йил 21 июнда «Иштирокиюн» номи билан асос солинган

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг газети

Обуначига 1 сўм 50 тийин. Сотувда—3 сўм.

1992 йил 30 октябрь, жума № 214 (21.312).

• *ЎзХДП ташкил топганлигининг бир йиллигига*

Ўзбекистон Халқ демократик партияси аъзоларига



Азиз дўстлар!

1991 йилнинг 1 ноябрида Таъсис қурултойи Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг тузилганлигини эълон қилган эди. Минглаб фаол фуқароларнинг маънавий-сиёсий изланишлари шу билан ўзининг амалий ифодасини топди. Партия ўз фаолиятининг бошиданоқ аҳолининг барча ижтимоий қатламлари ва гуруҳлари вакилларини, турли миллатларга мансуб кишиларни ўзига жалб қилишга муваффақ бўлди. У Ватанимизни жаҳон ҳамжамиятидан ўзига муносиб ўрин олиши учун, ижтимоий адолат ва тараққиёт учун астойдил курашувчиларни ўз сафларига торта билди.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси сиёсий майдонга инсоннинг ҳар томонлама равнақ топишини, унинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини тўла таъминлашини кўзда тутган, ижтимоий адолатни қарор топтиришга қаратилган аниқ-равшан Дастур билан чиқди. Партия фаолиятининг ўтган бир йили мустақил Ўзбекистон давлатчилигининг мустаҳкамланиши билан чамбарчас боғлиқдир. Партиямиз барча аъзоларининг республикамиз раҳбариятининг ички ва ташқи сиёсатини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб туриши ҳам биз учун катта аҳамиятга моликдир.

Бозор муносабатларига ўтиш йўлларини танлашда Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг соғлом ақл-идрокка таяниши ва бу борада ўз мустақил, аниқ нуқтаи назарини билдириши ҳамда халқимизнинг маънавий уйғониши ва ахлоқий покланиши йўлидаги саъй-ҳаракатлари унинг сафларига тобора кўпроқ тарафдорларни жалб этмоқда. Ҳозирги кунда у ўз сафларида 360 мингдан ортиқроқ аъзоларни бирлаштириб турибди.

Республикамиз мустақиллиги шундай бир нав-ниҳолдирки, унинг ўсиши ва яшнаши учун халқимизга тинчлик, осойишталик, фуқаролар тотувлиги, жамиятимизнинг жипслашуви каби бақувват ва теран илдизлар керакдир. Зотан, Ўзбекистоннинг келажаги эзгуликнинг мустаҳкам пойдеворига қурилиши керак. Партия ўтган бир йил ичида ўз фаолиятини худди шу ишга бағишлаганлигидан биз бениҳоя мамнунмиз. Ишонаманки, у келгусида ҳам бу йўлдан оғишмай бораверади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг барча аъзоларини партия ташкил топганлигининг бир йиллиги билан чин дилдан ва самимий қутлайман. Жонажон Ўзбекистонимизнинг гуллаб-яшнаши йўлидаги фаолиятингизда сизларга катта муваффақият, сиҳат-саломатлик, бахту саодат тилайман.

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти,
Ўзбекистон Халқ демкоратик партияси Раиси.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг солномаси

1991 йил 1 ноябрда бўлиб ўтган Таъсис қурултойи Ўзбекистон Халқ демократик партияси тузилганлигини эълон қилди. У И. А. Каримовни партиянинг Раиси этиб сайлади.

МАРКАЗИЙ КЕНГАШ ПЛЕНУМЛАРИ

I пленум ташкилий масалаларни кўриб чиқди. М. М. Расулов — Марказий Кенгашнинг биринчи котиби, А. Н. Носиров — иккинчи, Ҳ. М. Абдураимов, А. Х. Сандов, И. А. Кочмарик МК котиблари этиб сайландилар.

II пленум партия Раиси И. А. Каримовни Ўзбекистон Республикаси Президенти лавозимига партия номидан номзод қилиб кўрсатишга қарор қилди.

III пленумда партия Марказий Кенгашининг республикада ижтимоий-сиёсий муҳитни барқарорлаштиришдаги биринчи навбатдаги тадбирлари режаси тасдиқланди.

(Давоми иккинчи бетда).

ПАХТАМИЗ 3 МИЛЛИОН ТОННАГА ЕТДИ

РЕСПУБЛИКА ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИК ВАЗИРИ НОРБЕК ҚАЮМОВ ШАРҲЛАЙДИ

Бу йил ғўза ривожининг кеч қолиши туфайли учинчи миллионни тайёрлаш учун тўққиз иш куни керак бўлди. Бундай кечикишнинг яна бир асосий сабаби, ўтган йили далаларда 27 мингта пахта териш машинаси ишлаган бўлса, бу йил шу даврда 20 минг машина қатнашди. Юксак маррани эгаллашда Қашқадарё, Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг пахтакорлари қўшган ҳисса самарали бўлди. Тайёрланган учинчи миллион тонна пахтанинг ярми, деярли шу вилоятлар зиммасига тушди.

Жумҳурият пахта топшириш кўрсаткичида пешқадамлик қилаётган бухоролик заршунослар кунлик ўсиш суръатини бўшаштирмаяптилар.

Режани муддатидан илгари бажарган Ғузор, Олот, Олтинкўл районлари ҳамда Дўстлик шаҳрининг пахтакорлари қўшимча пахта топширишда ҳам бошқаларга ибрат бўлмоқдалар. Косон, Баҳористон, Қува, Данғара, Шаҳрихон, Андижон, Бўз, Шеробод, Жарқўрғон, Қоракўл ва бошқа бир қатор районлар ҳам белгиланган режаларни бажариш арафасида турибдилар.

Олтинкўл районидаги Навоий номли, Бўз районидаги Улуғбек номли, Шаҳрихон районидаги Усмон Юсупов номли, Олот районидаги «Пахтакор», Бешариқ районидаги «Рапқон» колхозлари ҳамда Ўзбекистон районидаги «Ғаниобод» давлат хўжаликлари ҳар гектар ердан 32—36 центнердан ҳосил олиб, режага нисбатан қўшимча пахта топширмоқдалар.

Навбаҳор районидаги С. Жўраев номли жамоа хўжалигида Шоди Қиличев бригадаси 66 центнердан, Олтинкўл районидаги С. Ашуров номли жамоа хўжалигидан Мўйдинжон Каримов бригадаси ҳам 57 гектар пахта майдонининг ҳар гектаридан режадаги 27 центнер ўрнига 36,5 центнердан ҳосил олишга эришдилар.

Бу йилги шароитда оила пудрати асосида иш олиб бораётган Янгиариқ районидаги Аваз Ўтар номли жамоа хўжалигидан Умида Бекжонова, Хонқа районидаги Шароф Рашидов номли жамоа хўжалигидан Ойимжон Болтаева, Урганч районидаги Ж. Мангуберди номли жамоа хўжалигидан Алишер Бобожонов, Фурқат районидаги «Қўқон» давлат хўжалигидан Абдурашид Ўринбоев ва кўплаб оилавий звено ҳамда пудратчилар ҳар гектар ердан 36—50 центнердан ҳосил олишга эришмоқдалар.

Улкан маррани эгаллашда кўпминг килограммчи теримчиларимизнинг ҳам ҳиссалари катта бўлмоқда. Бухоро районидаги Усмон Юсупов жамоа хўжалигидан Назирахон Ражабова, Ғузор районидаги Улуғбек номли жамоа хўжалигидан Сайёра Рўзиева, Норин районидаги «Бўстон» жамоа хўжалигидан Турсуной Рустамова, Мавлуда Жўраева, Офтобхон Мурдова, Шаҳрихон районидаги Усмон Юсупов номли жамоа хўжалигидан Шарофат Содиқова, Амударё районидаги «Оқолтин» жамоа хўжалигидан Санам Авезова ҳамда Сапарбой Бекимбетов сингари теримчилар бугунга қадар 7—12 тоннадан пахта тердилар.

Бошқа йилларга қараганда ғўза баргини сунъий тўктириш ишлари бирмунча кеч бажарилди. Бунинг устига, терим айни қизғин паллага кирган пайтда бўлиб ўтган ёғингарчиликлар теримга ўз таъсирини кўрсатмасдан қолмади. Шу сабабдан аввалги икки миллион тонна пахтанинг асосий қисмини қўл кучи билан териб олишга тўғри келди ва бу ҳашарда бир миллиондан зиёд теримчилар қатнашди.

Учинчи миллион тонна пахтани тайёрлашда эса вазият кескин ўзгарди. 21 минг пахта териш машинасида ҳосилнинг 55 фоизи териб олинди. Жиззах вилоятида эса машиналар билан ҳозиргача жами топширилган пахтанинг —84, Сирдарё вилоятида — 72, Тошкент ва Қашқадарё вилоятларида 55—62 фоизни ташкил эди. Машиналар ёрдамида пахта йиғиштириб олишда механизаторларнинг қўшаётган ҳиссалари каттадир.

Норин районидаги «Бўстон» жамоа хўжалигидан Усмон Ҳайитов ва Умматали Камолов, Пахтачи районидаги Охунбобоев номли жамоа хўжалигидан Баҳодир Ўроқов, Шеробод районидаги Э. Бердиев номли давлат хўжалигидан Рашид Жавлонов, Термиз районидаги «Гулбаҳор» давлат хўжалигидан Соатмурод Жумақулов сингари механизаторларнинг ҳозиргача терган пахталари 150—180 тоннадан ошди. Бугунгача 4 район, 40 та жамоа хўжалиги, 65 давлат хўжалиги ва 2860 дан зиёд пахтачилик бригадалари белгиланган режадан ошириб пахта топширмоқдалар.

Ҳозирги энг асосий мақсадимиз — илиқ-иссиқ кунларнинг ҳар бир дақиқасини ғанимат билиб, етиштирилган ҳосилни нест-нобуд қилмасдан тўртинчи миллионлик маррани тезроқ эгаллашга қаратишдан иборат.

ИЗЛАНИШ ВА УЛҒАЙИШ ЙИЛИ

М. РАСУЛОВ,

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИНИНГ БИРИНЧИ КОТИБИ

БУНДАН бир йил муқаддам — 1991 йил 1 ноябрда— Таъсис қурултойи Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг тузилганлигини маълум қилди. Ўтган давр янги партиянинг ташкилий жиҳатдан шаклланиши ва оёққа туриши борасида ниҳоятда самарали бўлди.

Ана шу давр мобайнида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар партия ташкилотлари тузилди ва мустаҳкамланди. Республикининг 30 та шаҳарида, шунингдек, 173 та районда ХДП таркибида 12 мингдан ортиқ бошланғич партия ташкилоти бор. Партиянинг 2 мингга яқин ҳудудий ташкилотлари бевосита сайлов мавзелари доирасида иш олиб бормоқда.

Ўзбекистон ХДПнинг дастурий мақсадлари ва Низоми қоидалари республикамиз аҳолисининг жуда кенг қатламлари ва гуруҳларини ўзига жалб этмоқда. Партия тарафдорлари ой сайин ортиб боряпти, айни пайтда унинг сафларида 360 мингдан зиёд киши бор.

Давлат ҳокимиятининг барча даражадаги сайлаб қўйилган органларида Ўзбекистон ХДП аъзолари кўпчиликни ташкил этади. Ўзбекистон Республикаси ва Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашларида, амалда барча маҳаллий Кенгашларда ХДП аъзоларидан иборат депутатлар партия гуруҳлари тузилган.

Шундай қилиб, партияни ташкилий жиҳатдан шакллантириш юзасидан Таъсис қурултойи қўйган вазифа асосан бажарилди. Сайланма органларнинг партия фаолларининг аниқ мақсадга қаратилган иши натижасида кенг тармоқли ишчан тузилма барпо этилди ва у фаолият кўрсатмоқда. Бу эса аҳоли ўртасида сиёсий ишларни олиб боришда партия ташкилотлари, барча партия аъзоларининг кучгайратидан юқори даражада фойдаланиш имконини беради.

Ушбу далиллар яқиндагина партиямизнинг ҳаётий эмаслиги тўғрисида фол очиб, республика аҳолиси бу партияни тузиш ғояси қўллаб-қувватлаши даргумон, деб кароматгўйлик қилган кишиларга ишончли жавобдир. Ўтган бир йил давомида Ўзбекистон Халқ демократик партияси оёққа туриб гина қолмасдан, балки ўз сафларини анча кенгайтирди ва мустаҳкамлади, амалда республикадаги энг йирик сиёсий партияга айланди.

Ҳар қандай сиёсий партия учун ҳам аввало ўз дастурий мақсадларини бажариш борасида қўйилган амалий қадамлар муҳимдир. Ўтган бир йил шу йўналишда олиб борилган ишлар юзасидан баъзи бир якунлар ясаш, партиянинг бундан буёнги ривожланиши йўлларини белгилаш учун етарли муддатдир.

Таъсис қурултой томонидан қабул қилинган Дастурнинг ўзак қоидаси — сиёсат имкони борича инсонга қаратилиши, унинг манфаатларини ҳар жиҳатдан ҳисобга олиши, кишиларнинг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан ҳимояланишини самарали таъмин этиши лозим, деган талабдир. Партия ўз фаолиятининг биринчи кунлариданоқ Ўзбекистонда меҳнатсевар, бадавлат, ахлоқан мустаҳкам ва маданиятли оила асосини ташкил этувчи адолатли, халқчил жамият тузишни ёқлаб чиқмоқда.

Ҳокимият ваколатларини бевосита амалга оширишдан қатъий воз кечган Ўзбекистон ХДП ишнинг парламентча, сиёсий усулларини изчиллик билан қўллашга интилмоқда. Партия сиёсатини ХДП аъзолари бўлмиш барча даражадаги халқ депутатлари ва ҳокимият, бошқарув идоралари раҳбарлари орқали амалга ошириш дастурий мақсадларни рўёбга чиқаришнинг бош омилига айланди.

ПАРТИЯ Раиси И. А. Каримовнинг 1991 йилги кўппартиявийлик асосидаги Президент сайловларида ғолиб чиқиши, Ўзбекистон Республикаси халқ депутатлари орасида ХДП аъзоларининг кўпчиликни ташкил этиши маҳаллий кенгашларнинг асосий қисмида партия сиёсий йўлини амалга ошириш учун жуда яхши имконият яратмоқда. Аксарият вазирликлар ва идоларанинг, иқтисодий мажмуалар ва концернларнинг раҳбарлари, барча вилоят, шаҳар ва районларнинг ҳокимлари партиямиз аъзоси эканлиги ҳам бу ишга ёрдам бермоқда.

Ҳозирги кунда республика раҳбарияти ўтказаётган ички ва ташқи сиёсат, умуман олганда, Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг дастурий мақсадларига мос келаётганлиги ҳам тасодифий эмас, албатта.

Бу сиёсатнинг туб ғояси мустақил Ўзбекистоннинг ўз тараққиёт йўли — бу энг аввало сиёсий барқарорлик, фуқаролар тотувлиги ва ижтимоий иноқлик йўлидан иборат эканлигидир. Бу — миллати, дини, ижтимоий аҳволи ва сиёсий эътиқодидан қатъи назар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминловчи инсонпарварлик негизларига асосланган ҳур, демократик ва ҳуқуқий давлатни, яъни фақат жаҳон тажрибасини ҳисобга олибгина қолмай, балки энг аввало, ўз халқимиз тажрибасига, миллий ва маданий анъаналарига суянувчи давлатни барпо этишдир. Ушбу ғоялар республика аҳолисининг кўпчилигига яқин ва тушунарлидир.

Ўзбекистон ХДП республика раҳбарияти томонидан олиб борилаётган стратегик йўл ҳамда қоидаларни ўз фаолияти билан сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватламоқда.

Партия фаолиятининг биринчи йили Ўзбекистон мустақил давлатчилигининг оёққа туриши ва мустаҳкамланиши билан чамбарчас боғлиқдир.

Республикада амалга оширилаётган ислоҳотлар, Олий Кенгашнинг қонунчилик фаолияти ана шу мақсадга қаратилгандир. Давлат ҳокимиятининг ташкилий тузилмалари аста-секин шакллантирилмоқдаки, Ўзбекистоннинг давлат мустақиллиги ана шу тузилмалар орқали амалга оширилади.

Қониқиш билан қайд этиш керакки, республикамиз жаҳон ҳамжамиятига ишонч билан дадил кириб бормоқда. Унинг ҳар томонлама, кўп қиррали сиёсий, иқтисодий ва инсонпарварлик алоқалари тобора кенгаймоқда, бошқа давлатлар билан дипломатик муносабатлар ўрнатилмоқда. Шубҳа йўқки, мустақил, ёш давлатимизнинг жаҳон майдонидаги қадамлари унинг халқаро обрўсининг ўсишига, бошқа мамлакатларнинг бизга нисбатан ҳурмати ошишига ёрдам беради. Миллий давлат манфаатларига содиқ бўлиб, халқаро ҳуқуқ меъёрларига, яхши қўшничилик, тенг ҳуқуқликлик ва ўзаро фойдали ҳамкорлик қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда мустақил ташқи сиёсат юргизишга астойдил интилиш— бунинг гаровидир.

Партия республика раҳбариятининг пухта ва обдон ўйланган ташқи сиёсий йўлини фаол қўллаб-қувватламоқда, жамоатчиликда унга нисбатан ижобий фикр уйғотмоқда. Айни вақтда биз бу жараёнларнинг ривожланишига ўзимизни бевосита ҳиссамизни қўшишга ҳаракат қилмоқдамиз. Аввало, партиялараро алоқалар даражасида шундай қилинмоқда. Бу жиҳатдан Туркия, Ҳиндистон, Туркманистон, Қозоғистон ва сиёсий нуқтаи назарлари бизга яқин бўлган бошқа мамлакатларнинг партиялари билан алоқалар истиқболидир.

Ҳозир Ўзбекистондаги умумий вазиятни барқарор, деб қатъий айтиш мумкин. Бу жамият бир меъёрдаги замонавий тараққиётга сохта инқилобий сакраллар сиз ва «эсанкиратувчи муолижасиз», эволюция йўли билан ўтиши керак, деган қоиданинг тўғрилигини яна бир бор тўла тасдиқлайди.

Шунга қарамасдан жойлардаги аҳволни ўрганиш, корхоналар ва турар жойларда кишилар билан учрашувлар республикамизда муайян даражада қийинчиликлар борлигини кўрсатмоқда.

(Давоми иккинчи бетда).

ВИЛОЯТДА БИРИНЧИ

Олтинкўл райони пахтакорлари Андижон вилоятида биринчи бўлиб йиллик пахта тайёрлаш режасини бажардилар.

Тезпишар пахта навлари экилган 7472 гектар майдонинг ҳар гектаридан 30 центнердан «оқ олтин» терилиб олинди, давлат қабул пунктларига 23 минг тоннага яқин қимматбаҳо саноат хом ашёси топширилди. Деҳқонлар яна икки минг тонна пахта териб олишга қарор қилдилар.

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Самарқанд вилояти миришкорлари уруғлик пахта тайёрлаш режасини бажардилар. Қабул пунктларига 33 минг тоннага яқин хомашё етказиб берилди. Тайёрланган уруғлик пахтанинг асосий қисмини вилоят иқлим шароитларига мос келадиган «Қиргиз-3», «С-9070» ва синаётган «С-6530» эртапишар навлари ташкил этади.

(ЎзА).

НЕЧАНЧИ ЎРИНДАСИЗ?

РЕСПУБЛИКА ВИЛОЯТЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ЙИЛ 29 ОКТЯБРГА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ

(режага нисбатан фоиз ҳисобида)

Биринчи устун — вилоятлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — умумий бошидан берн

Бухоро	1,92	83,45
Фарғона	1,49	80,71
Андижон	1,41	79,30
Қашқадарё	2,64	77,69
Наманган	2,10	77,55
Хоразм	1,75	68,64
Сурхондарё	1,63	67,13
Тошкент	2,62	63,84
Навоий	2,76	60,89
Қорақалпоғистон Республикаси	1,79	60;82
Сирдарё*	3,50	54,97
Жиззах	3,37	48,46
Самарқанд	2,35	43,75
Республика бўйича	2,22	67,91
1991 йилдагиси	0,75	99,65

НАВБАТ МАЖБУРИЯТГА

Ўртачўл массивидаги «Ўртачўл юлдузи» давлат хўжалиги пахтакорлари на фақат Қизилтепа районида, балки Навоий областида биринчилардан бўлиб зафар маррасига етдилар. Мажбурият ҳисобига пахта топшираётган хўжалик деҳқонлари ялпи ҳосил хирмонини 2 минг тоннага етказишмоқчи. Шунингдек, массивдаги «Зарбдор» давлат хўжалиги пахтакорлари ҳам йиллик маррани эгаллади.

М. ШАРОПОВ.

«САОДАТ» РЕДАКЦИЯМИЗ МЕҲМОНИ

Редакциямизнинг 75 йиллик анъаналари қаторидан халқ севган газет ва журналларни меҳмонга чорлаш алоҳида ўрин олган эди. Ана шу анъананинг давом эттириб бир қатор нашрларни, чунончи «Саодат», «Муштум», «Шарқ юлдузи» журналларини газетамиз саҳифаларига таклиф этдик. Биринчи бўлиб даъватимизга опа-сингилларимизнинг севимли журнали «Саодат» лаббай деб жавоб берди. Унинг материаллари билан учинчи ва тўртинчи саҳифаларимизда танишасиз.

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ ТАШКИЛ ТОПГАНЛИГИНИНГ I ЙИЛЛИГИГА

ИЗЛАНИШ ВА УЛҒАЙИШ ЙИЛИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

Ушбу ҳол даставвал ижтимоий-иқтисодий вазиятнинг мураккаблиги билан боғлиқ. Деярли кўпгина корхоналар оғир вазиятда ишламоқда, уларга моддий-техникавий ресурсларни етказиб бериш борасида сезиларли узилишлар бўлиб турибди. Оқибатда корхоналар жиддий молиявий қийинчиликларни бошдан кечирмоқда. Қишлоқ хўжалигидаги ишларнинг аҳволи ҳам муайян даражада ташвиш уйғотади. Негаки, об-ҳаво ноқулай келганлигининг салбий таъсири сезилмоқда.

Истеъмол бозорининг беқарорлиги ҳам қийинчиликларнинг жиддий омили бўлиб қолаётир. Кўпчилик нархнавонинг ошиб кетишидан доимо хавотирда ва бу нарсани одамлар жуда оғир қабул қилишмоқда.

Ана шундай мураккаб шароитда партиямиз, унинг барча ташкилотлари аниқ равшан йўл тутмоқдалар. Бунинг асосида кишиларнинг ҳаётий манфаатларини изчиллик билан ҳимоя қилиш, республика раҳбариятининг аҳолини ижтимоий муҳофазалаш соҳасидаги аниқ қадамларини сиёсий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ётади.

Партия ташкилотлари нарх-навонинг кейинги оширилиши мажбуран, республиканинг айбисиз бўлганлигини тушунган ҳолда Президент, ҳукуматимиз бу ишга қадам қўяр эканлар, унинг аҳоли турмуш даражасига кўрсатадиган салбий таъсирини иложи борича юмшатишга, кишиларни ижтимоий ҳимоялаш чораларини кучайтиришга ҳаракат қилаётганлигини, бунда асосий оғирлик давлат бюджети ҳиссасига тушаётганлигини, кундалик зарур маҳсулотлар бўйича эса ҳозирча аҳоли учун енгилроқ чегирилган нархлар сақланиб қолаётганлигини одамларга тушунтиришни зарур, деб ҳисоблайдилар.

ТАШКИЛОТЛАРИМИЗ бундан кейин ҳам аҳолининг меъёрий турмуш даражасини таъминлаб туришга қаратилган Президент Фармонлари ва ҳукумат қарорларининг сўзсиз бажарилиши масалаларида маҳаллий ҳокимият органлари билан амалий ҳамкорлик қилиш йўлини излайверадилар. Тошкент шаҳри, Бухоро, Жиззах, Қашқадарё, Фарғона вилоятлари, кўпгина шаҳар ва районларнинг ҳокимликлари билан тегишли партия ташкилотлари ўртасида ана шу ва кўпгина бошқа масалаларда яхшигина амалий алоқалар ўрнатилган.

Шу билан бирга партия ташкилотларига ҳукумат ва бошқарув органлари фаолиятини танқид қилиш ҳуқуқини ҳеч ким чеклаб қўяётгани йўқ.

Партиямизнинг аҳоли турмушига оид муҳим бўлган барча масалалар бўйича нуқтаи назари қатъий ва муросасиздир. Ҳокимият органларининг сиёсий йўлини қуллаб-қувватлаган ҳолда биз мансабдор шахслар томонидан ҳар бир қоида бузиш ва хизмат вазифасини суиистеъмол қилиш ҳолларига, фуқаролар қонуний ҳуқуқларининг камситилиши, уларнинг ижтимоий манфаатларини менсимаслик кўринишларига жиддий баҳо беришга, бу масалаларни партия матбуотида кескин кўтаришга ҳаракат қилмоқдамиз.

Истеъмол бозоридаги тақчилликни бартараф этиш, уни аҳоли сотиб олиши мумкин бўлган нархлардаги кундалик зарур моллар ва маҳсулотлар билан тўлдириш кишиларни ижтимоий ҳимоялашнинг энг муҳим омилларидан биридир. Бу маҳсулотларнинг анчагина қисмини маҳаллий хом ашёдан ўз завод ва фабрикаларимиз ишлаб чиқармоқда. Шу сабабдан партиямиз Марказий Кенгаши Сиёсий ижроқўми бу масалаларни махсус кўриб чиқиб, улар юзасидан сиёсий нуқтаи назарини республика ҳукуматига етказди.

Умуман олганда, партиямизнинг нуқтаи назари шуки, кишиларнинг ижтимоий ҳимояланиши мустаҳкам қонун асосига қурилмоғи керак. Шу муносабат билан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши аҳолининг кам таъминланган қатламларини ижтимоий ҳимоялаш тўғрисидаги Қонун лойиҳаси бўйича ўз мулоҳазаларини матбуотда эълон қилди. Ижтимоий сиёсатни қонун билан тартибга солиш бўйича ҳам таклифларимиз устида иш олиб борилмоқда.

Партия ташкилотлари аҳолига ижтимоий ёрдам кўрсатиш соҳасидаги ишга янада фаоллик билан киришмоқдалар. Хайрия ишларида тобора кўпроқ қатнашиш одат тусига кирмоқда. Улар болалар уйлари, ногирон ва қариялар интернатларини ўз оталиқларига олганлар ҳамда кам даромадли оилаларга моддий ёрдам кўрсатмоқдалар. Район ва шаҳар партия кенгашлари бу ишга муассаса ва ишлаб чиқариш ташкилотлари раҳбарларини, тижорат тузилмаларини, тадбиркорларни ҳам жалб этмоқдалар.

ЎТГАН йил давомида партия парламент фаолияти шакл ва иш услублари ишлаб чиқилди, ушбу соҳада муайян тажриба тўпланди. Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, бу ишда ҳокимиятнинг барча даражадаги сайлаб қўйиладиган бўғинларида депутатлар партия гуруҳларини тузиш муҳим аҳамият касб этди. Шу йилнинг июнь ойида Олий Кенгаш Раёсати Ўзбекистон ХДП аъзолари бўлмиш депутатлар парламент гуруҳини рўйхатдан ўтказди. Барча маҳаллий кенгашларда худди шундай гуруҳларни рўйхатга олиш ниҳоясига етказилмоқда. Бу билан партиянинг қонунчилик фаолиятида иштирок этиши, давлат аҳамиятига эга бўлган масъулиятли қарорларни қабул қилишда ўз нуқтаи назарини билдириши ва ҳимоя қилиши учун имкон берувчи муҳим восита пайдо бўлди.

Партия кенгашлари пленумлари билан тегишли депутатлар гуруҳларининг қўшма мажлисларини ўтказиш каби янги иш шакллари пайдо бўлди ва у кундалик амалиётда ўз аксини топмоқда. Хусусан, Республика Олий Кенгашининг ўнинчи сессияси олдидан партия Марказий Кенгаши пленумининг депутатлар партия гуруҳи билан биргаликда ўтказилиши муҳим ҳаётий масалалар бўйича аниқ сиёсий йўлимизни шакллантиришда катта аҳамиятга эга бўлди. Натижада депутатлар гуруҳимизнинг ишни уюшқоқлик билан олиб бориши сессияга киритилган масалаларнинг самарали муҳокама қилинишига кўп жиҳатдан ёрдам берди, кўплаб муҳим масалалар юзасидан бизнинг дастурий мақсадларимизга мос келадиган қарорлар қабул қилинди.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси лойиҳасини тайёрлашга партия ташкилотлари алоҳида эътибор бермоқдалар. Партия Марказий Кенгашида ҳуқуқшунос олимлар билан учрашувлар ўтказилди. Уларда ушбу ҳужжат юзасидан таклифлар ишлаб чиқилиб, Олий Кенгаш комиссиясига тақдим этилди.

Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгаши Республика Олий Кенгаши сессияси муҳокамасига қўйиладиган Конституция лойиҳаси республикадаги барча сиёсий кучларнинг, аҳоли турли қатламларининг таклифларини, шунингдек, конституциявий қурилиш соҳасидаги жаҳон тажрибасини ҳар томонлама ҳисобга олиши керак, деган қатъий фикрдадир.

Мустақил Ўзбекистоннинг биринчи Конституцияси республикадаги барча ҳуқуқий муносабатлар тизимига умумқонуний пойдевор бўлиши лозимдир. Фақат жамиятнинг давлат тузилишигина эмас, балки миллионлаб кишиларнинг тақдири, уларнинг келажаги, умуман, бундан буёнги мустақил тараққиётимизнинг истиқболи ҳам Асосий Қонуннинг қандай бўлишига кўп жиҳатдан боғлиқдир.

Шу боисдан ҳам эълон қилинган Конституция лойиҳасини партия йиғилишларида, партия кенгашларининг пленумларида кенг муҳокама қилишга қарор қилинди. Республика Олий Кенгашидаги партия гуруҳимиз аъзолари бу ишда фаол иштирок этишмоқда. Ҳар бир партия аъзосининг республика Конституцияси лойиҳасига доир ўз фикр-мулоҳазаларини бемалол очиқ-ойдин айтиши, масаланинг моҳияти юзасидан аниқ таклифлар киритиши учун зарур шароитлар яратилган.

Умумпартиявий муҳокамадан кўзланган асосий мақсад республика Конституциясининг лойиҳаси юзасидан партиянинг қатъий йўлини аниқлашдир. Бизнинг депутатлар партия гуруҳимиз Олий Кенгашнинг бўлғуси сессиясига ана шу нуқтаи назар билан чиқади.

Партиямизнинг сиёсий иши фақат унинг парламент фаолияти билангина чекланмайди. Тузилган вақтидан бошлабоқ у ўзининг дастурий мақсадларини тарғиб қилишга, аҳолининг турли қатламлари орасида ўз таъсирини оширишга катта аҳамият бериб келмоқда. Марказий Кенгаш аъзоларини, тарғиботчи гуруҳларини жойларга мунтазам юбориб турибмиз. Улар меҳнат жамоаларида, турар жойларда тушунтириш ишларини олиб бордилар. МК котиблари ва Сиёсий ижроқўм аъзоларининг жамоат ташкилотларининг фаоллари, олимлар, муаллимлар, ижодкор ёшлар билан учрашувлари анъанага айланди.

Бундай ёндашув партия томонига янги маслакдошларни жалб қилишга ёрдам бермоқда, унинг ижтимоий базасини кенгайтирмоқда. Кўпгина фан ва маданият арбоблари республикамиз Мустақиллик кунига бағишлаётган жойлардаги тадбирларимизда иштирок этиш ҳақидаги таклифимизга бажонудил рози бўлдилар. Уларнинг партиямиз фаоллари билан биргаликда республикамизнинг турли музофотларига сафарлари катта аҳамиятга эга бўлди.

ХОЗИРГИ вақтда партия ташкилотлари И. А. Каримовнинг «Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли» рисоласи теварагида кенг сиёсий иш олиб бормоқдалар. Бу китобнинг аҳамияти аввало шундаки, у Ўзбекистон ХДПнинг Раиси бўлмиш Республика Президентининг фаолият дастурини очиқ-ойдин, аниқ баён этиб беради. Ўзбекистон Республикасининг раҳбари таклиф этган ички ва ташқи сиёсат концепцияси партиямиз Дастурининг муҳим қоидалари асосида мустақилликнинг биринчи йили тажрибасини, ҳозирги ижтимоий-сиёсий воқеликни, ижтимоий-иқтисодий аҳволни тўла ҳисобга олган ҳолда кўп жиҳатдан уларни равшанлаштиради ва келажак мақсадларимизни ойдинлаштириб беради.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг турли жамоат ташкилотлари ва ҳаракатлари билан амалий ҳамкорлиги учун ҳам яхши пойдевор қўйилди. Чунончи, Ёшлар Иттифоқи билан ҳамкорлик тўғрисида шартнома тузилди. Республика касаба уюшмалари билан ўзаро алоқалар тенг ҳуқуқли шерикчилик асосида олиб борилмоқда. Партия касаба уюшмаларини кишиларнинг ижтимоий манфаатларини ҳимоялаш масалаларида ўзининг яқин иттифоқчиси, деб билади.

Ўзбекстон ХДП бошқа барча сиёсий ташкилотлар билан амалий мулоқот қилишга ҳамиша тайёрдир. Партиявий тадбирларни ўтказиш вақтида ўзаро кузатувчилар алмашиш, ташкилотларимизнинг етакчилари даражасида долзарб муаммолар юзасидан биргаликда мунозаралар, маслаҳатлашувлар ўтказиш учун ҳеч қандай тўсиқлар йўқ.

Диний ташкилотлар билан ҳамкорлигимиз ҳам яхши натижалар бериши мумкин. «Наврўз» байрамини ўтказиш тажрибаси биргаликда хайр-эҳсон ва бошқа тадбирларни ўтказиш учун имкониятларимиз катта эканлигини кўрсатди. Жамиятни маънавий-ахлоқий жиҳатдан соғломлаштириш, миллий маданиятни қайта тиклаш, қимматбаҳо маънавий бойликларимизни республикага қайтариш, тарихий ёдгорликларни таъмирлаш ишидаги саъйи-ҳаракатларимизни бирлаштириш, шубҳасиз, ижобий натижа беради.

Партиянинг Таъсис қурултойидан кейинги ички ҳаёти ўзининг фаоллиги ва сермазмунлиги билан ажралиб туради. Партия Марказий ва маҳаллий кенгашларининг пленумлари мунтазам ўтказилмоқда. Марказий Кенгаш Сиёсий ижроқўми уюшқоқлик билан, фаол ишламоқда. Республика ҳаётига оид муҳим сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий масалалар доимо партиянинг сайланма бўғинлари диққат марказида турибди. Улар қабул қилган қарорлар бошланғич партия ташкилотларининг мустақиллигига зиён етказмай, уларга ҳозирги вазиятда яхши йўл топа билиш имконини бермоқда, барча партия аъзоларининг иши учун зарур бўлган интизом ва уюшқоқликни таъминламоқда.

Партия ташкилотлари ва сайлаб қўйилган органлар долзарб сиёсий масалалар юзасидан изчил ва мустаҳкам нуқтаи назарда турибдилар. Бу эса жамоатчилик томонидан кўпроқ бизнинг фикримизни эътироф этилишига олиб келмоқда.

ХДП ташкилотларида партияга аъзолик билетларини топшириш жараёни қизғин бормоқда. Бу муҳим сиёсий тадбир анча уюшқоқлик билан ўтказиляпти. Ҳозирга қадар партия аъзоларининг учдан икки қисмига партия ҳужжатлари топширилди.

Шу билан бир қаторда партия ҳужжатларини расмийлаштириш вақтида ўз сиёсий қарашларида қатъиятсизлик кўрсатиб, иккиланаётганлар ҳам бор. Жумладан, ҳокимият ва бошқарув идоралари раҳбарлари, ходимларидан ҳам айримлари иккиланишмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, партияга ҳеч қачон ҳеч кимни зўрлаб қабул қилаётганимиз йўқ. Ҳар қандай иккиланишлардан ортиқча ташвиш тортаётганимиз ҳам йўқ. Қолаверса, бундай иккиланишлар, вақтинчалик тор шахсий манфаат учун ўз сиёсий қарашларини ҳам ўзгартиришга тайёр турган баъзи кишиларнинг енгилтакликлари, биринчи галда, уларнинг ўзларини обрўсизлантиради. Партиямиз бундай кишиларсиз янада мустаҳкамроқ бўлади.

Боз устига, партиямиз сафлари янги кучлар билан, бизнинг сиёсий қарашларимизга астойдил қўшиладиган ва дастурий мақсадларимизни амалга ошириш учун фаол киришишга шай бўлган аъзолар билан кенгайиб бормоқда. Бир йил мобайнида сафимизга 100 мингдан ортиқроқ киши қўшилди. Студент ёшлар, ўқитувчилар, ижодкор зиёлиларнинг партиямизга қизиқиши сезиларли даражада ошди. Агарда партиямиз тузилаётган дастлабки даврда айнан шу ижтимоий гуруҳлар Ўзбекистон ХДПга нисбатан муайян эҳтиёткорлик билан қараганликларини ҳисобга оладиган бўлсак, сафларимизнинг бундай миқёсда кенгайиб бориши диққатга сазовордир.

Шундай қилиб, ўтган бир йилга якун ясар эканмиз, Ўзбекистон Халқ демократик партияси бу санага дадил оёққа турган, ташкилий жиҳатдан анча мустаҳкамланган ҳолда келди, деб тўла ишонч билан айта оламиз. Унинг барча тузилма бўғинлари омма орасида сиёсий иш олиб боришда анчагина тажриба тўпладилар, меҳнат жамоалари ва аҳоли билан ўз алоқаларини сезиларли даражада мустаҳкамладилар. Янада олға бориш учун, партиямиз барча аъзолари мустақил она Ватанимиз — Ўзбекистоннинг равнақи йўлида самарали фаолият кўрсатишлари учун пухта замин яратилди.

> Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг сиёсати ва кундалик фаолиятининг олий мақсади меҳнат аҳли ва ҳар бир оиланинг миллати, дини, эътиқоди, ижтимоий аҳволи ва келиб чиқишидан қатъи назар моддий ва маънавий баркамол ҳаёт кечириши учун тенг имконият яратиш, кишиларнинг конституцион ҳуқуқлари ва фуқаролик эркинликларини кафолатлаш, уларнинг шаъни ва қадр-қимматини, тинч ҳаёт кечиришини ишончли ҳимоя қилишдан иборатдир.
>
> («Ўзбекистон Халқ демократик партияси Дастури»дан).

Тошкентдаги «Фотон» заводи ишчиси, 7-цех бошланғич партия ташкилоти котиби Қосим Ғойибназаров.

М. БОЛТАБОЕВ олган суратлар.

Ҳиндистон ташқи ишлар давлат вазири, Ҳиндистон Миллий Конгресси партияси фаолларидан бири Р. Л. Бхатна билан Ўзбекистон ХДП Марказий Кенгашида учрашув пайти.

ТАКЛИФЛАР, ИСТАКЛАР

Ҳозир Республикамизда фаолият кўрсатаётган партиялардан бири — Халқ демократик партиясидир...

Партия раҳбарлигида билимли, савияси юксак, етук ёшлар кўпчиликни ташкил қилади. Улар билан суҳбат қилсангиз, қойил қоласиз — мулоҳаза-мушоҳадаси чуқур, фикрчан кишилар. Шундай савиядаги кишиларнинг ақлу идроки, самимийлигига ишонман...

Тилагим — ХДП бошқа партиялардаги илғор кучлар билан яқин ҳамкорлик қилса, юртимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш йўлида куч-ғайратини янада оширса...

Жамол КАМОЛ,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси.

* * *

Ўзбекистон ХДП Дастури ва Низоми билан танишман, партиянинг олиб бораётган амалий ишларидан хабардорман. Ҳозирги кунда ХДП мустақил мамлакатимизда етакчи сиёсий кучдир. ХДП тоталитаризмдан демократияга ўтишда фаоллик кўрсатмоқда. У фуқароларимиз тинчлиги, тотувлиги, осойишталиги, яхши яшаши учун республикамизда фуқаролар жамияти ва ҳуқуқий давлат асосларини барпо этишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Ватанимизда ташкил топган партия ва ҳаракатларга «кундош» сифатида эмас, балки фикрлар хилма-хиллиги табиий бўлиши керак деб, юртимиз мустақиллиги ва фаровонлиги учун бел боғлаган партия ва уюшмалар билан ҳамкорлик қилишга интилмоқда.

Партия сафларида кўплаб софдил, ватанпарвар, тажрибали, ишбилармон кишилар бор, ХДП аъзолари ҳаётимизнинг барча жабҳаларида энг масъул лавозимларда меҳнат қилмоқдалар. Ўзбекистон ХДПнинг ижтимоий фанлар хусусидаги гамхўрлиги алоҳида таҳсинга лойиқдир. Зеро, мустақил юртимизнинг порлоқ истиқболини ушбу фанлар ривожисиз тасаввур этиб бўлмайди.

Ўзбекистон ХДП аъзоларини партиянинг бир йиллиги билан муборакбод этиб, уларга Ватанимизнинг гуллаб яшнашини йўлидаги ишларига омад тилайман.

Х. ПУЛАТОВ,
Ўзбекистон Фанлар академияси мухбир аъзоси, фалсафа фанлари доктори, профессор.

САВОБЛИ ИШЛАР

Шаҳар кенгаши ҳузуридаги партия клуби машғулотларидан бири инсоний қадриятларимизга бағишланди. Боиси, истиқболимиз туфайли миллий қадриятларимиз тикланиб, удум-одатларимиз ҳаётга тўлароқ сингиб бораётган шу кунларда бу масалага жиддий эътибор бериляпти.

Механика заводи бошланғич партия ташкилотининг котиби Маҳмуджон Ҳамидов жойларда хайрия жамғармалари очишнинг ахамияти ҳақида фикр билдирди. Шаҳардаги кўпгина ташкилот ва корхоналар касаба уюшмалари билан ҳамкорликда хайрли ишга қўл уриб, янглишмаган эканмиз. Ҳомийлар кўмагида партия, меҳнат ва уруш фахрийлари, ёлғиз, ночор ва ногирон кишилар, кўп болали оилаларга моддий ёрдам ташкил этишга имкон яратилди. Фаолларимиз хонадонларда бўлишиб, хайрия баҳона кексаларимиз кўнглини кўтаришмоқда.

ХДП аъзоси, шаҳар ҳокими Улуғбек Ҳакимовнинг ташаббуси билан ташкил этилган хайрия жамғармаси ишидан ҳам кўпчилик мамнун. Хусусан, ночор ва ногиронларга моддий мадад бериш яхши йўлга қўйилди.

Шаҳар партия кенгаши йўли билан ҳам хайрия тадбири ўтказилди. Болаликдан ногиронларнинг 25 нафарига дастурхон ёзилди. Бу тадбирга ҳиммат кўрсатганлардан йиғилган маблағ 280 минг сўмни ташкил этди. Жумладан, шаҳар ҳокимлиги 100 минг, вилоят матлубот жамиятларига қарашли улгуржи савдо базаси 50 минг, «Амакон» ЛТД халқаро ногиронлар уюшмаси 25 минг, тижорат техникуми 10 минг сўм ажратдилар. 4-ижара магазини раҳбари Анваржон Мирзаев бошлиқ жамоа шу куни ҳар бир ногирон болага 3 минг сўмдан инъом берди. Вилоят тиббиёт техника жамоаси 2,5 мингта бир марта фойдаланиладиган шприцларни ажратди.

Яна бир савобли иш қилинди. Чунончи, шаҳар Кенгаши фаоллари ёрдамида бемор болалар учун Андижон тиббиёт олийгоҳи олимларининг табобат борасидаги маслаҳатлари уюштирилди.

Республикамиз Президентининг «Маҳалла» хайрия жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги Фармонини марғилонликлар мамнуният билан кутиб олдилар. Бу ҳозирги иқтисодий қийинчилик пайтида ёлғиз, ночор, ногирон, боқувчиси йўқ, кўп болали оилаларга кўрсатилаётган ғамхўрликнинг ёрқин намунасидир.

Шаҳар ҳокимлиги «Маҳалла» жамғармасига 20—50 минг сўмгача маблағ ўтказишни ташкил қилмоқда. Биз маҳалла қўмиталари олиб бораётган ишлардан четда турганимиз йўқ.

Партия фаолларининг савобли ишлардаги иштирокини халқ кўриб ва сезиб маъқулламоқда. Биз хайрли ишлар кўламини янада кенгайтиришга ҳаракат қилаверамиз.

У. ЭШОНБОБОЕВ,
Ўз ХДП Марғилон шаҳар Кенгаши масъул ходими.

● *Ҳокимлик ва партия*

БАМАСЛАҲАТ ИШ ЮРИТИШАДИ

Мустақиллик шароитида Ўзбекистон Республикасида ҳокимликлар юзага келди. Кўп партиявийлик ва фикрлар хилма-хиллиги ҳукм сурмоқда. Зеро, мен Самарқанд районида ҳокимлик билан ХДП район Кенгаши ўртасидаги ўзаро фойдали алоқалар хусусида фикр юритмоқчиман.

Раҳима Ҳакимова район ҳокими бўлса, Раҳматулла Файзиев ХДП район Кенгашининг биринчи котиби.

— Кўпинча мендан раҳбар аёл билан мулоқотда бўлиш ўзига хослиги таъкидланса, керак, деб сўрашади, — дейди Р. Файзиев. — Зотан, ҳокимамиз унча-мунча эркакка бўш келмайдиганлардан. Одамохун, ҳожатбарор, сўзи билан иши бир инсон сифатида у кишини ҳурмат қиламан.

Район ҳокимаси партия Кенгаши ижроия бюроси аъзолигига сайланган. Ўринбосарлари А. Муҳиддинов, Б. Бўронов, У. Саидмуродовлар ҳам ХДП район Кенгашининг аъзоларидир. Шунингдек, ижроия бюро таркибига Ўзбекистон халқ депутати, «Мароканд» жамоа хўжалиги раҳбари Т. Норбоев, район таъмирлаш ишлаб чиқариш корхонаси директори С. Қосимов, «Самарқанд» агросаноат комбинатининг бош директори Р. Қодиров, Даштиболо қишлоқ Кенгаши депутати Х. Раҳимова каби эл орасида эътибор топган кишилар ХДП район Кенгаши ишларида фаолият кўрсатишмоқда. Айни пайтда ХДП район Кенгашининг биринчи котиби Р. Файзиев район Кенгаши депутати ҳамда режа-бюджет комиссиясининг аъзосидир. Кенгаш котиби Р. Ҳамроқулов қонунчилик ҳамда Президентимиз фармонлари бажарилишини назорат қилувчи гуруҳни бошқармоқда. Анъанага кўра йиғилишларда район партия Кенгашининг котиблари ва ижроия бюро аъзолари иштирок этмоқдалар.

Кадрларни тарбиялаш ва ўрнига қўйиш масаласида ҳокимлик билан ХДП Кенгаши раҳбарлари бамаслаҳат иш юритишаётгани ҳам ўз самарасини бермоқда.

ХДП Кенгаши ва ҳокимлик партия, меҳнат, уруш фахрийлари, хотин-қизлар ва зиёлиларнинг вакиллари билан учрашувлар ўтказиб туриши кўпчиликка маъқул келмоқда.

Ҳали районда қилинадиган ишлар, ечимини қутаётган муаммолар талайгина.

Яқинда ХДП вилоят кенгаши ижроия бюросида Ўзбекистон Халқ демократик партияси дастурий мақсадларини амалга оширишда Самарқанд район партия Кенгашининг район ҳокимлиги ва депутатлари билан ўзаро ҳамкорлиги тўғрисидаги ҳисоботи тингланди. Бундай ҳамкорлик ижобий натижалар бераётганлиги маъқулланди.

Жумақул КАРИМОВ,
Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кенгаши масъул ходими.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг солномаси

МАРКАЗИЙ КЕНГАШ ПЛЕНУМЛАРИ

(Давоми. Боши биринчи бетда).

IV пленумда партия Таъсис қурултойи қарорларининг бажарилиши тўғрисидаги масала кўрилди. Пленумда Ўзбекистон ХДП Раиси И. А. Каримов нутқ сўзлади.

V пленум республика Олий Кенгаши X сессияси муносабати билан Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгашининг тутган сиёсий йўли ва депутатлар партиявий гуруҳининг вазифалари тўғрисидаги масалани муҳокама этди.

УЧРАШУВЛАР, МУЛОҚОТЛАР

Марказий Кенгашда партия раҳбариятининг уруш ва меҳнат фахрийлари, хотин-қизлар кенгашларининг фаоллари, таниқли адиблар, жамиятшунос ва ҳуқуқшунос олимлар, халқ таълими ходимлари, аҳоли турли табақаларининг вакиллари билан учрашувлари бўлиб ўтди.

Ўзбекистон ХДП МК аъзолари бир гуруҳ ёзувчиларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда Мустақилликнинг бир йиллиги шарафига меҳнат жамоалари вакиллари, маҳалла аҳллари билан учрашувлари уюштирилди.

Марказий Кенгаш мустақил Ўзбекистоннинг истиқболи, унинг давлатчилигини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси лойиҳасини тайёрлаш, бозор иқтисодиётига ўтиш масалаларига ва бошқа долзарб мавзуларга бағишланган давра суҳбатлари, мулоқотлар ўтказди.

СЕМИНАР-КЕНГАШЛАР

Ўзбекистон ХДП вилоят, шаҳар ва район кенгашларининг котиблари ва масъул ходимлари билан партия ҳаёти ва фаолиятининг долзарб масалаларига бағишланган Тошкент, Самарқанд ва Фарғона шаҳарларида республика ва вилоятлараро семинар-кенгашлари ўтказилди.

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР

Марказий Кенгаш раҳбарияти Социалистик Интернационал вице-президенти Ханс-Йоген Фогель ҳамда Катрин Лялюмер бошчилигидаги Европа Ҳамжамиятлари делегациялари аъзолари билан учрашиб, мулоқот қилдилар.

Марказий Кенгашда К. Хоппен бошчилигидаги Дания ташқи ишлар вазирлиги делегацияси, Греция Компартияси Марказий Қўмитаси аъзоси, «ВЕК» фирмасининг Президенти Я. Мавроматис, Ҳиндистоннинг Ўзбекистон Республикасидаги муваққат ишлар вакили Ашок Мукерджи, Хитой Компартияси делегацияси, АҚШнинг Ўзбекистон Республикасидаги муваққат ишлар вакили Том Грехэм, ХХРнинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Гуань Хэи, Ҳиндистон ташқи ишлар давлат вазири Р. Бхатна ва унинг ҳамроҳлари, кўпгина бошқа хорижий меҳмонлар қабул қилинди.

Марказий Кенгаш биринчи котиби М. М. Расулов Социнтерн вице-президенти Х.-Й. Фогелнинг таклифига биноан Германия Федератив Республикасига ташриф буюрди.

ЎЗБЕКИСТОН ХДП РАҚАМЛАРДА:

— Партия аъзоларининг сони 360 мингдан ортиқ кишини ташкил этади.

— ХДП таркибида 203 та район ва шаҳар кенгаши, 12148 та бошланғич ташкилотлари бор.

— Партия сафларида хизматчилар — 41,2, деҳқонлар — 38,5, ишчилар — 14,0, аёллар — 22,3 фоизни ташкил этадилар.

— ХДП аъзолари ўзбеклар, руслар, қозоқлар, тожиклар, қорақалпоқлар ва жами 74 миллат вакилларидан иборат.

— ХДП аъзолари халқ депутатлари Ўзбекистон Олий Кенгашида 76,4, Қорақалпоғистон Республикаси Олий Кенгашида 74,5, вилоят кенгашларида 66,1, район кенгашларида 57,4 фоизни ташкил этадилар.

Саодат

РЕДАКЦИЯМИЗ МЕҲМОНИ

Хурсан Ғафуровна Рашидова ўзи ҳақида:

— Мен 1920 йилда Жиззах районининг ҳозирги Навоий номли колхозида ўрик гуллаган фаслда туғилган эканман. Онам, Норбуви Ҳайдарова асли сарбазорлик (ҳозирги Ғаллаорол райони) бўлиб, саводсиз, оққўнгил ўзбек аёли эди. Отам Абдуғаффор ҳожи Бойматов уч марта ҳаж зиёратини бажо келтирган, маълумотли киши эдилар. Ҳатто Октябрь инқилобидан кейин ҳам ҳаж сафарига улгурган эканлар. Отамнинг оталари—бобом Бойматбой ҳожининг ҳоки тупроғи Маккада қолган, ҳаж сафарида бандаликни бажо келтирган эканлар. Отам қазо қилганда мен 7 ёшда эдим. Онам раҳматлик ҳам менинг тўйимни кўролмадилар. 1942 йил охирида фронтдан қайтган муаллим Шароф Рашидов билан турмуш кўрдик. Тўрт қиз—Сайёра, Дилором, Гулнора, Света ва Илҳомжоннинг онаси бўлдим. Шароф Рашидовдек буюк инсоннинг ҳаётига ҳаётим туташ бўлганидан бахтиёрман. Мен бахтли аёлман...

„МЕН БАХТЛИ АЁЛМАН“

Хурсан РАШИДОВА:

Ойномамиз таҳририяти илтимосига кўра журналист Шароф УБАЙДУЛЛАЕВ Шароф Рашидовнинг умр йўлдоши Хурсан РАШИДОВА билан суҳбатлашди

— Хурсан Ғафуровна, рози бўлсангиз, суҳбатимизни сиз Шароф Рашидов ҳаётига, Шароф Рашидов сизнинг ҳаётингизга кириб келган, таъбир жоиз бўлса, юлдуз-юлдузга мос тушган — муҳаббат боғидан гул терган илк кундан, илк воқеадан бошласак...

— Бу «боғ»га ким қачон киргани ва ким қачон гул тергани ўзимизга ҳам аён эмас. Таъбир жоиз бўлса, бизда муҳаббатдан бошқа яна бир қудратли куч бўлганки, мен буни таърифлай олмайман. Чунки ҳали тақдиримизни боғламай туриб Шароф ака мен учун ҳам ота, ҳам она, ҳам оға, ҳам суянчиқ ролини ўтаганлар. Аниқроқ айтсам, Шароф ака Жиззах педагогика техникумини яқиндагина битириб бизга адабиётдан дарс берардилар. Мен ўшанда 7-синфда ўқир эдим. Бутун синфни у киши ўзларига маҳлиё қилиб олгандилар. Синфда 36 ўқувчи бўлиб, шундан 10 таси қизлар эди. Ёдимда А. С. Пушкиннинг юз йиллиги арафалари эди. Шароф ака Пушкиннинг ўнлаб шеърларини ёд билар ва ҳайратланиб ўқирди. У киши туфайли адабиёт фани бизни ўз сеҳрига олганди. Бир сафар ҳамма ғўр ўқувчилар каби мен ҳам ўз ўқитувчимнинг сеҳри билан қаловланиб, ундан сўраганим ёдимда «Муаллим (биз Шароф акага шундай мурожаат қилардик), нега ҳамма сизни бирдай Шарофжон дейди. Нега ҳамма сизни яхши кўради?», «Чунки мен ҳаммани яхши кўраман, Хурсаной,— дегандилар Шароф ака. — Одамларга қандай муносабатда бўлсангиз, одамлар ҳам сизга шундай муносабатда бўладилар...».

Шароф аканинг нафақат ўзига яқин тутган одамларни, балки бир кўришган одамларни ҳам сеҳрлаб қўйгувчи оҳанграбоси бор эди. Шу жиҳатдан менинг онам билан бўлган уларнинг илк учрашуви кўзим олдига келаверади... 1937 йил Шароф ака биз етти йиллик мактабни битираётган бир гуруҳ қизларни ЎзГУ (ҳозирги СамДУ)га ўқишга юбориш ташаббускори бўлган эдилар. Мен ҳам мактаб аълочиси сифатида ана шу рўйхатга тушган эдим. Лекин ўқишга жўнашим учун онамнинг розилигини олишим шарт эди. Менинг ёлғиз қиз бошим билан Самарқанддек азим шаҳарга жўнашимни онам хаёлга ҳам сиғдира олмасдилар. Шароф ака онамни мактабга таклиф қилиб, мени ўқишга жўнатишга кўндирганда бу суҳбатнинг нақадар енгил кўчганига лол қолган эдим. Шароф ака билан онамнинг суҳбатини эшик тирқишидан ҳам кўриб, ҳам ҳаяжон билан қулоқ солиб турардим. Шароф ака айнан қайси сўзлари билан онамга мурожаат қилганлари ҳозир ёдимда йўқ. Бироқ «Хурсаной ўқиши керак, аълочи, қобилиятли ва ҳоказолар» деганларини эслайман. Шу билан бир қаторда онамнинг жавобини эшитиб мен «шу гапираётган менинг онамми?», деб ёқа ушлаб қолгандим. «Майли, Шарофжон, ўғлим, қизимни сизга, сизни худога топширдим». Эшик ташқарисида туриб уялгандан юз-кўзим ловуллаб қизариб кетган эдим.

Йўлда эса «Нега ундай дедингиз, она? Нега мени «бировга топширдим, дейсиз — дедим уялганимни яширолмай. — Нега дарров энди кўна қолдингиз?». «Бу йигитнинг шундай оҳанграбоси» бор эканки, мен унга йўқ деган сўзни раво кўрмадим, — дегандилар онам. — Бу йигитда ўзига хос хислат бор, қизим. Хизир кўрган йигит. Менга шундай туюлди. У йигит кам бўлмайди. Унга суянганлар ҳам»...

1937 йил кузида 15 та жиззахлик йигит-қиз ЎзГУ қошидаги ишчилар факультетига ўқишга бордик. Шароф ака ўша йили ЎзГУнинг филология факультетига ўқишга кириб, айни пайтда «Ленин йўли» газетасида ҳам ишлардилар. Шароф ака олийжаноб инсон эди. У газета редакциясидан олган маошидан турмуш шароити оғир бўлган бир гуруҳ талабаларга доимий ёрдам кўрсатиб турарди. Дугоналарим Нишонбуви, Зайнаб ва курсдошларимиз Ҳайитбой, Султон ва бошқалар бу ёрдамдан баҳраманд эдилар.

1941 йил уруш бошланган кезданоқ Шароф ака бизнинг тақдиримиз ҳақида, айниқса, қаттиқ қайғура бошладилар. Ўша йили август ойида Шароф акани Самарқанд вокзалидан фронтга кузатиб қўйдик. Жиззахдан оталари Рашид бобо ва тоғалари Ҳамроқул Носиров келдилар. Поезд вокзали перронида жўнаш олдидан Шароф ака биз билан бирма-бир ҳайрлашди. Шунда кутилмаганда оталари ва тоғалари томонга ўгирилиб, илтимос оҳангида сўз қотдилар: «Тоға, сиздан илтимос, ота сиздан ҳам, Хурсанойни Жиззахга олиб кетсаларингиз... Уёқдан омон-эсон қайтсам, биз бирга бўлармиз». У пайтда мен ота-онасиз, ва ёлғиз ўз муаллимимга суяниб қолган эдим. Балки мана шу сиз айтган илк муҳаббатдир. Балки мана шу юлдузи-юлдузига дуч келишидир. Балки мана шу тақдирдир. Худога минг қатла шукр, тақдиримдан мамнунман.

— Шароф Рашидовнинг тақдир йўли ўзига хос мўъжиза бўлганди. Ва ҳамон шундайлигича қолмоқда: 25 ёшида у обком котиби, 30 ёшида «Қизил Ўзбекистон» газетаси бош муҳаррири, 32 ёшида Республика Ёзувчилар уюшмасининг раиси, 33 ёшида республика Олий Совети Президиумининг Раиси, 42 ёшида Ўзбекистоннинг биринчи раҳбари! Қарийб 24 йил «биринчи раҳбар»ликда оғишмай туришнинг ўзи бўладими! Ҳаётлик пайтидаёқ унга ҳайкал қўйилганди. Хурсан Ғафуровна, Шароф Рашидов беназир кишимиди! Табиат унга алоҳида қандай хусусиятлар бахш этганди! «Худо берган» томонлари нимада эди!

— 1942 йилда Шароф ака жангдан ярадор бўлиб қайтгач, Фарҳод ГЭСи қурилишига жалб этилди. Мана шу қурилишда у киши Акоп Абрамович Саркисов, юртдошлари Маманазар Турсунов, Зокир Норматов ва бошқалар билан бирга бўлганлар. Қурилишда партия ташкилотчиси бўлиб қатнашаётган Шароф ака Фарҳод ГЭСи қошидаги бой кутубхонада бош кўтаролмасди. Одатдагидек кутубхонада мутолаага шўнғиб турганида кимнингдир ғойибдан келган момақалдироқ гулдурагидек овози янграйди. «Бу йигит ким?».

Китоб дунёсига шўнғиб турган Шароф ака ўгирилиб салом беради. Шунда одамлар қуршовида келаётган паҳлавон келбатли, баланд бўйли, соябонли шапка қийган номаълум киши ўзидан -ўзи сўрагандек саволга тушади: «Мунча юлдузи исиғ-а, бу солдат йигитнинг? Кимсан ўғлим?».

Шароф Рашидовнинг Фарҳод ГЭСига ташриф буюрган Усмон Юсупов билан илк учрашуви мана шундай кечган экан. Бу ҳақда Шароф ака кейинчалик бир неча бор тўлқинланиб ҳикоя қилган эди. Усмон Юсупов суҳбатига чақирилган экан. У. Юсупов Шароф Рашидов билан эски танишлардек қуюқ сўрашиб, «Комсомол ишига қандай қарайсиз, ўғлим!» деб сўрайдилар. Шароф Рашидов эса дабдурустдан қўйилган таклиф гирдобидан чиқиб кетиш ўнғай эмаслигини сезгач, юракдаги асл муддаосини рўй-рост айтишга ўтади. Ва ижодий ишга майли зўрроқ эканлигини ва иложи бўлса уни вилоят газетасида қолдиришларини сўрайди. «Нима, обком оғирлик қиляптими, ўғлим?» — сўрайди. Марказий Комитет биринчи котиби. «Газета юрагимга яқинроқ? — жавоб қайтаради. Шароф ака. Шунда фикрлари бир жойдан чиқмаганини кўриб, Усмон ота ВЧдан Носир Маҳмудов (Самарқанд вилояти партия қўмитасининг биринчи котиби)га қўнғироқ қилади. «Ўртоқ Рашидовни республика комсомол қўмитасига биринчи котиб қилиб тавсия этиш таклифига сиз қандай қарайсиз, Носир Маҳмудович?», деб сўрайдилар. Телефонда давом этган бир фурсат суҳбатдан кейин Усмон ота трубкани қўяр экан, «Хайр, мен сизни тушундим, Носир Маҳмудович» — дейди-ю ва суҳбатда қаттиқ қаршиликка дуч келганини яширолмайди: «Носир Маҳмудов ҳам ўриснинг ўзгинаси, ўжар одам. Комсомолга бўлса бермайман деяпти. Майли, Самарқандда ишлаб тургин, ўғлим, сенга муносиб иш топамиз». Орадан бир йил ўтиб Шароф ака «Қизил Ўзбекистон» газетасига муҳаррир бўлиб келдилар. Оиламиз Тошкентга кўчиб келди. Шароф Рашидов онгли ҳаётининг асосий даврини — 36 йилини мана шу шаҳарда яшади. Шароф ака Жиззахда туғилди. Самарқандда билим олди, лекин, менинг назаримда, у киши Тошкентда камолотга етди.

Менинг назаримда, у Тошкентни Жиззах ва Самарқанддан кам севмасди. У киши Жиззахни қадрлар, Самарқандни улуғлар, бироқ Тошкентни жон дилидан севарди. Бир куни вақти-соати етиб ҳоки тупроғи мана шу шаҳар тупроғига сингиб кетишини бу одам ҳис қилган бўлса ажаб эмас.

У киши беназир эмасди, албатта. «Худо берганн» томонларидан бири шунда эдики, кўп нарсаларни Шароф ака олдиндан кўра биларди. Ҳаётда кечган кўпдан-кўп воқеаларни у киши аввал тушда кўрганларини айтганлари ёдимда. Хатто, ўз ўлимини ҳам Шароф ака 1983 йил октябрь фожиасидан анча олдин ярим тунда мени уйғотдилар. Уйғотиб, анча вақтгача гап бошламай туриб қолдилар. Кейин эса «Хурсаной, мен туш кўрдим, эрталаб ҳаммасини сизга айтаман», — дедиларда, яна ёстиққа бош қўйдилар. Сезиб ётдим, қайтиб у кишининг кўзларига уйқу келмади. Кейин ўзларининг айтиб беришларича, ўша тунда у киши чоптириб келаётган оқ от аввал қоқилиб йиқилади-ю, Шароф ака ерга қулайди. Яна бироздан кейин қанот пайдо қилган от Шароф акани олиб осмонга уча бошлайди. Улардан ҳам олдинда оппоқ кийинган, соч-соқоллари ҳам оппоқ бўлган мўйсафид учиб боради...

— Хабардор кишиларнинг каромат қилишларига кўра, Шароф Рашидов умрининг охирини бутунлай ёзувчиликка бағишламоқчи бўлган эканлар. Давлат арбоби ва ижодкорлик унинг қалбига қай даражада яқин эди. Унинг қалбида замондошлари ўқиб улгурмаган ва пайқамаган қандай мақсадлар бор эди!

— Шароф Рашидов 1959 йил март ойида Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитасининг биринчи котиби қилиб сайланганини биз қандай «кутиб» олганимизни» айтсам кўп жиҳатдан ўринли бўлар деб ўйлайман. Шуни таъкидлашим керакки, Шароф ака билан ҳамма нарсани гаплашиш мумкин эди, бироқ, у кишидан «ахборот» олиш осон эмасди. У давлат ишини оила ишига сира-сира қўшмасди. Шароф ака биринчи котиб бўлиб сайланган кунлари биз оиламиз билан мутлақо бехабар эдик. Ўша куни Шароф ака кеч соат 12 дан ошганда уйга қайтдилар. Биз доимо Шароф ака қаердалигини билар ва ундан хабардор бўлар эдик. Лекин ўша куни бу сирни ҳеч ким ечолмади. «Шароф ака қаердалар?» деган саволимизга, у кишининг ҳамма ишидан хабардор ёрдамчиларидан «мажлисдалар» деган жавоб олдик. Лекин бу қандай мажлис эканлигини кейин билдим. Уйга жуда ҳорғин қайтган Шароф ака «Нега бунча кеч қолдингиз?» деган саволимга «Болалар ухлашяптими?», деб саволга савол билан жавоб қайтардилар. «Аллақачон» дедим мен. «Бўлмаса болаларни уйғотинг», — дедилар кутилмаган буйруқ оҳангида. «Ҳаммасинними?» — сўрадим мен ажабланиб. «Ҳа, ҳаммасини уйғотинг». Энг кичигимиз ўшанда 7 ёшда, ҳали мактабга бормаганди. «Ҳаммасини уйғотинг! Ҳаммасини ювинтиринг!» — деб яна такрорладилар. У кишининг ҳорғин чеҳрасидан бирор бир маъно ўқиш учун кўз югуртирганимда зўр базўр жилмайиб қўйдилар: «Оилавий мажлис қиламиз».

Болалар ювиниб, кийиниб давра тортишди. Шунда Шароф ака бир неча йиллар бурун бизни Жиззахдаги Ленин номли мактабда ўқитгани каби дона-дона сўз бошлади: «Болажонларим, мен бугун катта бир мажлисдан ҳозиргина чиқиб келяпман. Бугун бизда бюро бўлди. Мени республиканинг биринчи котиби қилиб сайладилар. Энди бу оғир вазифада мен кимга суянаман? Биринчи навбатда сиз—болажонларим, менинг ёрдамчим бўлишингиз керак. Бунинг учун нима қилишимиз керак? Биринчи навбатда мактабда аъло баҳога ўқишингиз керак. Халқ-атворимиз ҳаммага намуна бўлиши керак. Оилада темир интизом бўлмай туриб, мен қандай қилиб кўчада интизом ҳақида гапира оламан?».

Биз ўшанда Тошкент шаҳрининг Урицкий маҳалласидаги Кренкель кўчаси 5-уйда турардик. Болалар қайта-қайта ваъда беришиб, хоналарига кириб кетдилар. Кейин биз Шароф ака билан ёлғиз қолдик. Шунда мен дабдурустдан айтган сўзимни қаранг-а: «Шароф ака, бўйнингизга оғир вазифа олибсиз-ку?» десам у киши: «Хурсаной, қўйишмади, лекин тўрт-беш йил ишлаб, кейин ёзувчилигимга қайтаман. Вазифа оғир. Республика мисоли ботқоққа ботиб ётибди. Амал талашувлар республикани ҳароб қиляпти. Ватанни ўйлайдиган раҳбар кам. Пойтахтнинг аҳволига қараб ачинаман. Шундай республиканинг пойтахти қандай бўлиши керак? Қўлимдан келгунча Тошкентни жаҳонга таниқли шаҳар, Шарқнинг буюк шаҳри қилишга бор кучимни аямайман». «Соғлиғингиз кўтарармикан, Шароф ака?». Бу саволга ҳам асосим бор эди. 1952 йилда Шароф ака Москвада ўт пуфагини олдириб ташлашга мажбур бўлган эдилар. Кейинги йилларда ҳам ўт пуфаги йўқлиги ўз касрини кўрсатиб тез-тез жигарда ўт йиғилиб қолар ва бу Шароф аканинг ранги — рўйида ҳам ўз асоратини кўрсатиб турарди. «Соғлиқни энди худодан тилаймиз, Хурсаной», —деб қўйдилар.

Шароф Рашидов орадан сал кун ўтиб, Марказий шифохона докторларининг қатъий талаби билан 1-стационарда уч кун ётиб чиқишга мажбур бўлдилар. Докторлар жигарда

(Давоми, учинчи бетда).

АВЛОД СОҒЛОМЛАШСИН

Фарзандсизлик аёл учун энг оғир дард. Шу боис момоларимиз янги тушажак келинни никоҳлаш маросимиданоқ эҳтиётлашади, агар йил ўтаверса хавотирланиб шифокору ҳар хил табибларга боришга ундашади. Сабаби ойдин. Зеро, ҳар бир аёл тезроқ оналик бахтига эришишни истайди. Табиийки, билиб-билмай дўхтирма-дўхтир чопиб турли муолажаларни қўллайвериш аксарият ҳолларда аёл соғлиғини хавф остига қўйиши мумкин. Фарзандсизлик фақат аёлларгагина боғлиқмикин, йўқ, албатта. Бундай вақтда эру хотин баравар даволаниши, аввало ўзларини обдон текширтиришлари зарур. Айниқса, қишлоқларда эркаклар шифокорга бориб кўрикдан ўтишни ўзларига ор деб биладилар, натижада оилада турли можароларнинг келиб чиқишига сабабчи бўладилар. Ваҳоланки, фақат аёл эмас, эркак ҳам турли жинсий касалликлар билан касалланган бўлиши мумкин. Бунинг сабаблари турлича. Болалигидан оғир хасталикларга учраган ёки муттасил касалликдан танасида бирор асорат қолган, ёшига нисбатан оғир юкларни кўтарган, нимжон ўсган қизу-йигитларда борабора жинсий етишмовчилик ҳоллари учрайди. Бундан ташқари теварак-атроф муҳитининг ифлосланиши, бугунги экологик жараён, аёл ё эркакнинг кўп ичиши, чекиши каби ҳоллар ҳам бефарзандликка асос бўла олади...

(Профессор М. СОДИҚОВА, доцент М. ХОЛМАТОВА қаламига мансуб мақоладан).

«САОДАТ»—БУ СИЗ!

Ассалом миллат!

Ассалом миллатдош!

Сезаяпсизми, эл улуғ ўзгаришлар йўлини излаяпти, фикр уйғонаяпти, онгли, фаросатли, фаҳмли теран инсонлар сафи кўринмоқда. Улар гарчанд олисда бўлсалар-да, юртнинг эртаси чароғон бўлажаги умидида фидойилик қилишмоқда. Сизнинг юрагингиз Ватан туйғусини англови, шу буюк дард учун оловга айлануви ўшаларга боғлиқ. Улар Сиз билан дардлашади, истаган маҳалингиз хонадонингизга кириб келади, кечалари дил уйингизда меҳмон бўлади. Англайсизки, илму-маърифат зиёсидан баҳраманд дилингизда нимадир нишлаяпти. Бу — юракнинг уйғонуви, кўнглингизда Ватан туйғусининг юксала боришига имкон...

Бугуннинг сердолға кунлари — иқтисод ва сиёсатнинг турли-туман ирмоқлари сирини ўзлаштиришимиз муҳим паллалар «Саодат» йўриқчилик қилиши мумкин... Журнал Сизга сиёсату иқтисоддан норасмий тилда, ўзбекчасига сабоқ беради. Энг зўр олимлар, шарҳчилар Сиз билан муҳокамага киришади.

Онажон, «Саодат» урчуқ йигираётган кезларингиз, Сизнинг ёнингизда туриши мумкин... У Сизнинг журналингиз... Эгачим, сирли кечалари, олам жилвага тўлган, муҳаббат юрагингни жодулаган, кўзларинг чиройли кулган кезлар. Сен у ҳақида ўйлаётиб, ёстиғинг тагига яшириб қўйган «Саодат» билан шивирлашиб чиқасан. Кўзинг «Ўн саккизга кирмаган ким бор?» рукнига тушади... Сенга муҳаббат ҳақида «Саодат» кўп нарсаларни гапириб беради ўшанда. Олам тип-тиниқ, атроф гўзал... гўзал... янаям гўзал кўринади... Ўн саккизга тўлган сингил, ке, бирпас далангни унут, доцентларнинг узун маърузаларидан сўнг ҳоригандирсан, сингил, танҳо сирдош журналингни ўқиб кўр, ўн саккизда кўнглида ишқ ғунчалаган сулувлар, Сизнинг «Саодат»га бирор гапингиз борми? Айтинг— дардлашинг.

Узун эгатларда ковушини тупроқ қўмган, далани кўтарган жувонлар, «Саодат»да сизнинг иссиқ нафасларингиз тафти бор.

Чимилдиқлар, тўйлар, ўланлар... Элнинг ажойиб ва ғаройиб удумлари барч-барида «Саодат» қатнашади. Тўйларда момолар кайвонилик қилган улуғ кунларда «Саодат» эл аёлнинг ҳамроҳи. Унда қуёш ҳароратидай илиқ меҳр бор. «Саодат» — аёл, «Саодат» — она, «Саодат» ёруғ кунлар умиди... «Саодат» — Сизнинг онлангиз.

«Саодат» бир умр Сиз билан Ҳамроҳ бўлиш илинжида яшайди. У доимо Сизнинг йўлдошингиз... Фақат журналимизга обуна бўлишни унутмасангиз бўлгани. 120 сўмга обуна бўлсангиз, йил давомида «Саодат»ни беминнат ўқиб боришингиз кафолатланади.

Сизнинг «САОДАТ».

УЧАР ЛИКОПЧАНИ КУТЯПМИЗ...

Болалигимда бўлиб ўтган бу воқеага ўн йиллардан ошиб кетди. Онам тушлинда ош дамлаб, далада ишлаётган отамга дугонам иккимиздан бериб юборишдилар. Ошни отамга бериб, дала йўлларидан велосипедни учириб, ҳайдаб қайтаётгандик. Бирдан осмондан тушаётган шарсимон нарсага кўзимиз тушди. У пастлаган сари катталашиб борарди. Қўрқувни ҳам йўқотиб, ҳайрат билан уни кузата бошладик. Шундоқ ёнимизга қўнганида ичидан роботга ўхшаган бир одам тушди. У ликопчанинг эшигини очиб, бизни ичкарига таклиф қилди. Эшикдан кирдигу бу ердаги манзарани кўриб оғзимиз ланг очилиб қолди. Бу ерда ўнга яқин роботга ўхшаган одамлар айланиб юришарди Бизни лол қилган яна бир нарса — бу ердаги табиат манзараси бўлди. Кўм-кўк дарахтлар, қушларнинг ёқимли хониши, ариқлардаги тиниқ сувлар... (Хатто ҳалигача ўша манзарани қайта кўргим келади) Шу пайт улардан биттаси бизга конфет олиб келди. Конфет жудаям ширин эди. Бирдан «уйда онамлар бизни кидириб юргандир» деган хаёл бошимдан ўтиб, безовталана бошладим. Дугонам Юлдуз эса негадир миқ этмай ўтирар эди. Кейин иккиовимизни ҳам яна ўз жойимизга — далага олиб келиб қўйишди. Хайрлашар чоғимизда у «сизлар ҳали ёш эксансизлар, катта бўлганларингда яна сизлар билан учрашамиз, бизни кутинглар» деган гапларни қайта-қайта айтишди...

У пайтлар учар ликопчалар ҳақида ҳеч қандай гап-сўз йўқлиги учун, сўзларимизга барибир ҳеч ким ишонмаслигини, бизни ёлғончига чиқариб қўйишларни билиб, бу воқеа ҳақида бировга чурқ этиб оғиз очмадик... Аммо, мана натта бўлиб эсимизни таниймизки, кўрганларимиз ҳеч эсимиздан чиқмайди. Бирга бўлсак, доим уларни эслаймиз... «Бизни кутинглар» деган гаплари қулоғимиз остида жаранглаб, узун тунлар юлдуз тўла осмонга тикиламиз. Гарчи ўшандан кейин уларнинг дараги бўлмаган бўлсада, уларни яна кўриш умиди билан яшаймиз.

Саодат МЕНГЛИЕВА.

Қашқадарё вилояти, Янгабоғ районн.

АЁЛ, ДАВР, НАЗМ

1. Шарифа опа, ҳаётда нимадан қўрқасиз!

— Яратганнинг қаҳридан... Имонсизликдан. Бировнинг ҳақига хиёнат қилишдан... Эътиқоди, имони бутун бўлмаган кимсанинг қалбида Ватани бўлмайди. Бировнинг ҳақига хиёнат қилишга қодир одам миллатни сотиб ейишдан ҳам тоймайди. Мен шахс ҳалоллигини жамият ҳалоллигидаги муҳим халқалардан бири деб ўйлайман.

2. Шеърнинг кўчасида тентиган аёл учун рўзғорга қараш оғирлик қилмайдими! Шоира ва она... иккови ҳам муқаддас тушунча бўлса... қайси бирини!..

— Назаримда, ёшликнинг энг ловуллаган дамлари шеърият кўчасига эмас, ижара уйларининг миннатли деворларига тўкилиб қолди, чоғи. Руҳимда доимо гоҳ қувониб, гоҳ йиғлаган шеърнинг энг орзули мисралари ҳали ҳануз ёзилмагандай. У юрагимнинг туб-тубида ётгандай...

Шоирлик ва оналик... бирбирини тўлдиради. Уй-рўзғор ишлари, бола ташвишларининг ўзи бир қутлуғ дунё... Аёл учун шеърият фарзандларсиз кемтик, жуда ғариб бўлиб қолади. Аслида, онанинг энг муқаддас, мангу тирик шеърияти фарзандлари-ку... Бироқ аёл учун тақдири азалда шоирлик ва оналик қисмати ёзилган бўлса, начора, фарзанд ҳам тарбиялайверади, шеърни ҳам ёзаверади...

3. Қишлоқданмисиз!.. Далада ишлаганмисиз!

— Ҳазрати Бобурнинг қутлуғ қадамлари теккан, «Бобурнома»да «Фаркат» деб меҳр билан тўхталган она қишлоғим Паркент узумзорларида, далаларида менинг ҳам қўлларимнинг изи қолган. Кетмон ҳам чопганман, бошоқ ҳам терганман, пахта ҳам... Меҳнатнинг қайси кўриниши бўлсин у менга жуда таниш. Хуллас, унча-мунча шеър ёзиб турадиган қўлларим меҳнатда қабарган...

4. Шеърларингиз ҳеч жойда чиқмай қўйса, китобларингиз чоп этилмаса, ёзишни ташлармидингиз! Умуман, бу соҳада ўзингизни омадли санайсизми!

— Шу пайтгача, ёзган шеърларимни эълон қилиш учун югурмаганман. Гапнинг очиғи, кўпинча ёзганларим қўлёзма ҳолида туради. Китоблар масаласида ҳам шундай.... Неталигини билмайман, чоп этилиши асосий масаладек туюлмайди. Қаламга суянган одам бир умр уни ташлашга кучи етмаса керак. Омадга келсак... ҳозирча нолимайман. Севимли шоиримиз Абдулла Орипов айтганларидек,

«Тингламаса, агар ўзгалар,
Ўз-ўзимга шеър ўқийман мен»...

5. Оилангиз ҳақида икки оғиз...

— Оилам — фарзандларим, бу дунёда менинг мавжудлигимни сездириб турадиган мўъжиза. Уларсиз мен бўшлиқман...

Шарифа САЛИМОВА.

ДАРЁЛАР ОҚАДИ ПОЙИМДА

Бир қувонч келади шу бугун,
Кўнглимга умидлар тўлади.
Соғинчдан кўр бўлган
кўзларим
Минг шукур, сизни-да
кўради.
Мен ул дам қақшаган
ўзанин
Сен ювган бир дарё
бўламан.
Мен ул дам кўксимда жжм
ётган
Юракнинг борлигин
биламан.
Мудраган қалбимга қайтади
Олисдан сехрли садолар.
Ва яна йиғлашиб айтади
Ишқини умидвор гадолар.

Бу очкўз нигоҳлар мулкида
Сиз учун асрайман ўзимни,
Жонимнинг титраган
қушларин,
Ишқ ёшин жим ювган
кўзимни...
Ушал дам чекинур
туманлар,
Ҳижроннинг гулларн сўлади.
Севгининг умидсиз қушлари
Қайтадан боғимга қўнади.
Ушал дам кўзимга бу олам
Бетимсол жаннатдек
кўринур.
Дарёлар оқади пойимда
Ғам тоғи ушалур, бўлинур...
Ушал дам мен кўнгил
арқинда
Гоҳ шоҳу, гоҳ гадо бўламан.
Сиз титраб турасиз
ашкимда
Кўз ёшдан мен адо
бўламан.

...ГА

Бу дилнинг шафқату нафрати пинҳон
Чорламанг, Ишқ хаста. Кетганим бўлсин.
Кўрдим.
Кўзингизда умид берар жон,
Видо йўлларини тутганим бўлсин...
Толиқдим дунёнинг ўйиларидан,
Бесамар севгида бағрим қилди қон...
Бу ишқнинг самовий қуюмларидан
Жоннинг чечаклари бўлдилар пайҳон
Пойимда инграган чечак кўз ёшин
Қасддан сезгим келмай, одимлайман жим.
Толиққан руҳимга ўзинг қанот бер
Кўкдан озорланиб кўз солган тангрим
Тангрим—ўксик ишқим. Қалбим қийноғин
Қисматимга нур-ла ёзган фаришта...
Нетай, ўзим жондан суйган кимсани
Энди ўчиргайман, хаёлдан, тушдан...
Оппоқ умидларим—ярадор оққуш
Қанотин ботирди қайғу тунига
...У нетиб боради бош эгиб маъюс,
Осий дунё қолгай ишқнинг хунига.
У нетиб боради. Мен-да кетурман
Қисматда бор экан шу шўриш ғаввго,
...Энди нзлардидан армон унади
Кўз ёш ичажакман маҳшаргача то...

Ўзбекистон—АҚШ: яқиндан ҳамкорлик қиламиз

28 октябрь куни Тошкентдаги Халқлар дўстлиги саройида «Америка Қўшма Штатлари ҳукумати билан Ўзбекистон Республикаси ҳукумати ўртасида сармоя сарфлашга кўмаклашиш ҳақида битм» имзоланди.

Ўзбекистон билан АҚШ ўртасидаги муносабатларнинг ривожланишига илк асос соладиган бу муҳим ҳужжатни Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар вазирининг биринчи ўринбосари С. Сафоев ва Америка Қўшма Штатларининг республикамиздаги фавқулодда ва мухтор элчиси Генри Лии Кларк имзоладилар.

* * *

СУРАТДА: битимни имзолаш пайти.

(ЎзА).

ДЎСТЛАРИМИЗ БАЙРАМИ— БИЗНИНГ БАЙРАМИМИЗ

Ўзбекистон—Туркия

Қадимий Туркия мамлакати мустамлака зулмидан озод бўлиб, мустақилликка эришганидан кейин 1920 йилда Совет ҳукумати Туркия ҳукуматини биринчи бўлиб таниди. Орадан икки йил ўтгандан кейин Туркия султонлиги бекор қилиниб, 1923 йил 29 октябрда Туркия Республика даб эълон қилинди. Бу сана ўшандан бери ҳар йили миллий байрам — Туркия мустақиллиги куни сифатида кенг нишонлаб келинмоқда.

Кеча Тошкентдаги Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик илмий-тадқиқот институтида Тошкент шаҳар жамоатчилигининг ана шу санага бағишланган йиғилиши бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Халқаро маданий, маърифий алоқалар миллий ассоциацияси раиси Н. Ғойибов кириш сўзи билан очди. Шундан кейин Туркия Республикасининг Ўзбекистондаги элчихонаси иккинчи котиби Вакур Эркул, Ўзбекистон — Туркия жамиятининг раиси, Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти Иброҳим Искандаров иккала мамлакат ўртасида ривожланиб бораётган яхши дўстлик алоқалари ҳақида гапирдилар.

Шу муносабат билан Ўзбекистон — Туркия жамияти раиси академик Иброҳим Искандаров мухбиримизга қуйидагиларни гапириб берди:

— Ўзбек ва турк халқлари қадимдан бир-бири билан жондош ва қондош миллатлардир. Масалан, машҳур астроном ва математик Улуғбекнинг устози туркиялик Қозизода Румий эканлигини ва Улуғбекнинг шогирди Али Қушчининг Ас-Софияда мадрасага бош мударрис этиб тайинланиши далилларини идрок этсак бизларнинг алоқаларимиз илдизи чуқур эканлигини яққол англаш мумкин.

Туркия Республикасининг Президенти Турғут Ўзолнинг таклифига биноан республикамиз Президенти Ислом Каримов бошчилигидаги ҳукумат делегациясининг ўтган йил декабрь ойида Туркияга қилган биринчи расмий сафари ҳар иккала томон учун катта аҳамиятли бўлди.

1992 йил 28 апрелда Тошкентда Туркия элчихонаси тантанали очилди. У пойтахтимизнинг қоқ марказида, ҳашаматли бинода жойлашган. Бундан ташқари келишувларга асосан ҳар йили Туркияда таълим олиш учун бир минг киши юборилиши белгиланган эди. Туркия ҳукумати ҳатто икки минггача талабани кутиб олишга тайёр эканлигини изҳор этди. Бу чинакам қардошлигимиз белгисидир.

Бундан ташқари Тошкент — Истамбул — Анқара шаҳарлари оралиғида ҳаво транспорти қатнови йўлга қўйилди. Эндиликда Ўзбекистон «Ҳаво йўллари» миллий авиакомпаниясининг ТУ-154 самолётлари бу шаҳарлар ўртасида сафарга чиққанларга намунали хизмат кўрсатмоқда.

Абдулла ПЎЛАТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Туркиянинг ғўзал шаҳарларидан бири— Измирдаги майдон.

Хурсан РАШИДОВА:

„МЕН БАХТЛИ АЁЛМАН“

(Давоми. Боши учинчи бетда).

йиғилиб қолган ўтни обдон ювдилар. Мен ҳам у кишининг ёнида бўлишимга тўғри келди. Шароф аканинг стационарга тушгани қаттиқ сир тутилганига қарамай, эртаси куни палатага машҳур раис Ҳамроқул Турсунқулов кириб келдилар. Ҳамроқул Турсунқулов Шароф ака учун ўз ўғлидек ғамхўрлик қилишини мен ўша суҳбатда ҳис қилдим. Ҳамроқул Турсунқуловнинг Шароф акани огоҳлантириб айтган бир сўзи ўшанда мени анча-мунча таажжубга солган бўлса ҳам, вақти-соати келиб кекса деҳқонинг сўзи тўғри чиқди. «Шарофжон, Ўзбекистонни учатўртта «чипқон»дан халос қилиш керак, болам. Бу «чипқон»ларни даволайман деб овора бўлманг. Сиз учини даволасангиз бошқа жойида чипқоннинг болачалари яна чиқаверади. Уларни илдизи билан суғуриб ташламасангиз Ўзбекистон покиза бўлмайди», — деб кекса деҳқон ўша уч-тўрт «чипқон»нинг номини санаган эди.

Шароф Рашидов эса хато қилган одамга ўз хатосини тузатиш учун имконият бериш кераклигини ва ўзи ҳам шундай йўл тутажагини кекса раисга уқтириб турганда, Ҳамроқул Турсунқулов гўё портлади: «Ие, сиз қизиқ экансиз, Шарофжон! Иккита касални даволаб бўлмайди. Сиз ҳам даволайман деб овора бўлманг. Бу мен айтган одамлар ўша ҳар икки касал билан баббаравар оғришган. Бу порахўрлик ва хотинбозлик касали. Бу касал уларнинг оёғидан чалган. Хотинбоз борки—порахўр бўлиши турган гап. Бу бир-бири билан боғланиб кетган дард. Бу чипқонларни тузатаман деб уринманг. Бу хато бўлади. Кейин кеч бўлади!»

Ҳурматли раисни кузатиб қўйгач, Шароф ака оғир ўйга толдилар. Республиканинг бешигини тебратиб турган ҳукмдор кишиларини рўй-рост порахўр ва хотинбоз деб дангал тилга олиш ўша пайтнинг ўлчови билан айтганда катта айбнома эди. Шароф Рашидов, яқинда республиканинг «биринчилигига» сайланган киши бундай айбнома билан қизиқмаслиги мумкин эдими? Бу айбномани ўртага қўйган одам республиканинг биринчи деҳқони, уч марта Социалистик Меҳнат Қаҳрамони эди. Шароф ака бир хулосага келиши учун вақт керак эди, албатта.

Бироқ асосий сабаб вақтимиди? «Бу «чипқон»ларни мен ҳам яхши биламан,—деганди Шароф ака бир сафар менга ҳам юрагини ёриб. — Лекин улардан ҳам каттароқ «чипқон»лар Москвада туришибди. Бу «чипқон»лар марказдаги «чипқонлар» билан илдизи-илдизига тутташиб кетган. Улар учун бу дунё фақат айши-ишратдан иборат. Улар гўё фақат шунинг учун туғилган».

Шароф ака республика «биринчи»лигига сайланган йилларда республика раҳбариятидаги маънавий турмуш нақадар оғир кечиши билан бир қаторда Москванинг ҳам маҳаллий шароит билан мутлақо ҳисоблашмаган валюнтаристик қарорлари аҳволни янада танг қиларди. Шароф ака янги иш бошлаган йилларда бир кун тонг маҳали уйимизда уч раис олдинма-кейин тўқнаш келиб қолдилар. Аввал Жиззахдан Ҳамроқул тоға келганди. Кейин Янгийўлдан Ҳамроқул Турсунқулов билан Абдулла Ортиқов келишди. Ўша кезда Н. С. Хрушчевнинг ташаббуси билан қишлоқ хўжалигини «ихтисослаштириш» бўйича Иттифоқ ҳукумати қабул қилган қарор юзасидан норизолик машҳур раисларни тонг маҳали Тошкентга Шароф ака ҳузурига отланишга мажбур қилган эди. Бу қарорга кўра ҳамма хўжалик ўз доирасида етакчи бўлган соҳа билан шуғулланиши, пахтакор пахта билан, чорвадор эса фақат чорва билан шуғулланмоғи даркор эди. Ана шу қарорга асосан колхозлар ихтиёридаги қўйлар совхозларга ўтказилиши шарт қилиб қўйилган эди. Шароф ака уйдан туриб ўша пайтда қишлоқ хўжалиги вазири бўлиб ишлаб келган Н. Ж. Худойбердиевга қўнғироқ қилдилар, «Нормуҳаммад Жўраевич, колхозларимиздан қўйлар батамом олиб қўйилса, уларнинг ҳоли нима кечади? Уларнинг қозонига тош солиб қайнатамизми? Колхозларда чорва туёғининг бир қисмини сақлаб қолишга эришмоқ керак, ёрдам қилинг, керак бўлса Москва билан гаплашинг. Мен ҳам гаплашаман».

Кейинчалик бу суҳбат Шароф Рашидовга қанчалик қимматга тушганлигини ҳам айтиб ўтиш керак. Москва қарорларини етарлича бажармаганлиги учун Ўзбекистон марказда қаттиқ «муҳокама»дан ўтди. Бу республикада ўз пайтида суғуриб ташланмаган «чипқон»ларнинг Москвадаги чипқонлар билан ҳамкорликда Шароф акага ва унга яқин кишиларга марказ кўли билан берилган илк зарбалардан бири бўлди.

— Шароф Рашидов ўз замондошларидан кимнинг суҳбатини ардоқлар ва кимнинг маслаҳатини айниқса қадрлар эди! Яхши кунларнинг ҳамроҳи кўп. Лекин оғир дамда у киши кимга кўнгил ёрарди!

— 50-йилларнинг иккинчи ярми Шароф Рашидов учун енгил кечмади. Шароф Рашидов Олий Совет Президиуми Раиси бўлиб ишлаб турганда бир йилда 300 кунга қадар командировкада бўлардилар. Иванов деган шоферлари бўларди, ҳозир ҳам ҳаёт, биз билан, оиламиз билан яқин алоқасини сақлаб қолган. Шароф аканинг командировка чемоданини аэропортга чиқиб, алмаштириб бериб келарди. Шароф ака бир вилоятдан учиб келиб, бир самолётдан иккинчи самолётга ўтирардилар. 1952 йили Шароф аканинг соғлиғи ёмонлашиб, бизни қаттиқ ташвишлантирди. Ўшанда Тошкентда республика раҳбариятидаги маънавий турмуш ҳам у кишини озмунча эзмас эди. Ўша йили Шароф Рашидовни Кремль касалхонасига ётқизишга тўғри келди. Ҳамон эсимда, уни аэропортда республика активидаги икки киши М. М. Мусахонов ва С. К. Зиёдуллаевлар кузатиб қўйишди.

Шароф ака соғлиғи яхши бўлган йилларда ишлаб чарчамасдилар. 70-йилларда ёдимда бор. Айни саратон маҳалида Тошкент обкомининг биринчи котиби М. М. Мусахановни зўрлаб дам олишга жўнатар ва у кишига Мирзамаҳмудович «Биз шу кундан эътиборан Тошкент обкоми котиби бўлиб ишлаб турамиз. Сиз хотиржам бўлиб дам олиб келинг: хордиқ чиқариб қайтган кунингиз кўнглингиз тўқ бўлсин ўрнингизни бўшатиб берамиз» деб ҳазил-мутойиба қилардилар.

Сўнгги йилларда сир эмаски Шароф Рашидов қишлоқ хўжалигига тааллуқли асосий масалаларни Н. Ж. Худойбердиев, М. М. Мусахонов, Й. Р. Қурбонов ва вилоят раҳбарлари билан бамаслаҳат ҳал қилардилар. Шунингдек, қишлоқ хўжалигида суяги қотган тажрибали деҳқонларнинг маслаҳатларига қулоқ осишни ўз бурчи деб биларди. Шароф аканинг ишдан кейин ҳам уйда туриб кўп марта Маҳмуд Мирзаев, Маҳмуд Исматов, Жўра Хоназаров, Андижондан Абдусамат Тиллабоев, Самарқанддан Жониқул Юсупов, Шамси Назаров, Сурхондарёдан Бобомурод Омонов, Намангандан Аҳмаджон Одилов, Юқори Чирчиқдан Хван ва бошқалар билан телефонда тез-тез суҳбатлашиб, фикрлашиб турганларининг кўп бор гувоҳи бўлганман. Маданият соҳасида эса у киши Оқил Умрзоқович Салимовга батамом ишонардилар.

Бироқ мен шу ўринда Шароф Рашидовнинг дўстлари ва шогирдлари унинг ишончини қай даражада оқлай олишди, деган бир қўшимча саволга аниқлик киришни истар эдим. Айрим бировлар Шароф Рашидовнинг «Фалончи сафдоши уни турмада сотибди, бюрода ёки пленумда у ҳақда нохуш сўз айтибди» деган майда-чуйда гапларни ташиб юришни ўзларига эп билмоқдалар. Ким нима айтган бўлса бу уларнинг виждонига ҳавола. Бироқ мен шунга далолат беришим керакки, Шароф Рашидов бошида қора булутлар айланган дастлабки кезлардаёқ мен унинг сафдошларидан ва шогирдларидан бир қанчасини бўлажак оғир кунлар юзасидан қаттиқ огоҳлантирганман. Уларга иложи борича бизнинг хонадонимизга боғланган томонларни унутишларини ва оғир кунларда ўз бошларини омон сақлашларини таъкидлаганман. Шароф аканинг чин дўстларини, сафдошларини сақлаб қолишнинг бошқа йўлини топмаганман. Шу боисдан мен бугун Шароф Рашидов ҳақида айтилган у ёки бу гапнинг замирида нималар ётганлигини англаган ҳолда хулоса қилиш кераклигини илтимос қилардим. Айтмоқчиманки, бир нокас Шароф Рашидовни улуғлайман деб марказдан келган жаллодларнинг қиличига дучор бўлгандан кўра мен Шароф аканинг дўстлари ва сафдошларининг жонини сақлаб қолишни афзал билганман. Бугун айтишга осон, ўша кезларда Шароф Рашидовнинг дўстлари ва сафдошлари бошида қатағон қиличи ҳеч нимани аямаган ҳолда бешафқат қайралган эди. Гдлян ва Иванов бошчилигидаги жаллодлар одамларни не аҳволга солишганини мен ўз кўзим билан кўрганман, 25 кун мени ҳам тинимсиз тергов қилишган, сўроққа тутишган. Асосий савол нимадан иборат эди денг? Шароф Рашидов оиласининг яқинлари ким эди? Шароф Рашидов оиласининг тўйларида кимлар таклиф қилинарди? Қаранг-а, Шароф Рашидов оиласининг яқини бўлишнинг ўзи ҳар қандай жазога лойиқ деган ҳукм учун етарли асос бўлиб қолганди. Ўз-ўзидан шундай бўлгани йўқ, албатта. Республикада ва марказда ин қуриб ўз пайтида суғуриб ташланмаган ва бунинг учун энг аввало Шароф Рашидовнинг марҳаматидан миннатдор бўлиш керак бўлган «чипқон»лар бунга биринчи навбатда сабабчи бўлди! Улар ўзларининг ифлос ўтмишини оқлашнинг бошқача йўлини тополмадилар. Республикада Усмонхўжаев ҳукмронлик қилган даврда шундай бўлди. Шароф Рашидовнинг дўстлари ва сафдошлари, шогирдлари ва издошларига оғир кунларни бошидан кечиришга тўғри келди. Бу қатағон Нишонов даврида авжга минди. Лекин мен аминманки, Шароф Рашидовнинг назари тушган ҳақиқий инсонлар ўз қиёфасини заррача ўзгартирмади. Улар содиқ қолдилар. Шароф Рашидов ҳаётда майда гаплардан ўзини йироқ тутарди. Бугун ҳам Шароф ака руҳини ҳурмат қилган ҳар бир инсон у киши ҳақидаги майда-чуйда гаплардан сақланишса яхши бўларди.

— Вақти-соати етиб, инсон бу дунёнинг барча кошонаси билан, шу жумладан тожу тахт билан видолашуви аниқ. Шу жиҳатдан Шароф Рашидов ўз ворисини танлаб улгурганмиди! Айрим тахминларга кўра, Шароф Рашидов бир пайтлари ўз ўрнига Нишоновни, кейинчалик Салимовни ва ниҳоят Усмонхўжаевни муносиб кўрган эмиш! Сиз бу тахминлар ҳақиқатга қай даражада яқин деб биласиз!

— Мен суҳбатимиз бошидаёқ айтиб ўтдим. Шароф Рашидов оқ кўнгил одам эди, одамларга ўта ишонувчан, соддафеъл киши эди. Бироқ ундан, давлат ишига оид ахборот олиш осонмасди. Шу боисдан мен ҳам унинг «ворис»лик ҳақидаги васияти қандай бўлганлигини аниқ айтолмайман. Лекин юқорида келтирилган номзодлар устида Шароф аканинг муносабатлари қай даражада бўлганлиги хусусида фикримни айтишим мумкин. Нишонов «ворис»лик даражасига етмаганлиги аниқ. Қолаверса, унинг башарасини Шароф Рашидов жуда барвақт билиб олганди. Табиатан мутлақо ҳалол ва покиза ҳаёт тарафдори бўлган Шароф ака Нишоновнинг ҳаёт тарзидан ҳазар қилар ва қаттиқ нафратланар эди. Рафиқ Нишоновнинг марҳум хотини ўз эрининг мунофиқлиги, риёкорлиги ва хиёнатлари устида Шароф Рашидовичга мурожаат қилганида у киши бир неча кун оромини йўқотган ва бизнинг ичимизда кимлар яшаб, кимлар ишлаяпти, деб тўлғаниб юрган эдилар. Усмонхўжаев ҳақида эса кўп гап эшакка юк деб ўйлайман. Чунки Усмонхўжаевнинг Олий Совет Раислигига муносиб номзод бўлолмаганини ҳам Шароф ака ҳаётигидаёқ тан олган эдилар. Бир сафар Усмонхўжаев ичиб, уйда бўкиб қолганидан Шароф Рашидов хабардор бўлгач, телефонда: «Ука, ўзингизни қўлга олинг, докторларни овора қилманг. Ҳали биронта доктор алькаш раҳбарни даволай олмаган!» — деб қаттиқ танбеҳ берганларини эслайман.

О. У. Салимов ҳақида нима дейишим мумкин? Назаримда у ҳеч қачон катта раҳбарликка интилмаган.

— Ёзувчи Шароф Рашидов кимни севиб ўқиб, кимни ўқиб ҳайратланарди! Адиб сифатида у кимга сиғинар ва кимларни қадрлар эди!

Шароф аканинг адабиёт, санъат ва маданият арбоблари ичида астойдил ҳурмат қиладиган дўстлари кўп эди. Яшин ака, Иброҳим Мўминов, Обид Содиқов, Воҳид Зоҳидов, Садриддин Йўлдошев, Абдували Имомалиев, Восил Қобулов, Саъди Сирожиддинов, Эркин Юсупов, Ўктам Орипов, Ҳамробоев, Содиқ Мираҳмедов, Уйғун ака, Раҳмат Файзий, Александр Удалов. Эҳ-ҳе қай бирларини санай. Шароф ака уларга ўзига ишонгандек ишонар ва уларни фанимиз ва маданиятимизнинг жонкуярлари деб эътироф этгандилар. Лекин катта адабиёт ҳақида гап кетганда Шароф ака «ўзбек адабиётининг уфқида уч юлдуз балқиб чиқмоқда», — деб қўярдилар. Уларнинг ҳар бир янги сатри Шароф аканинг эътиборидан четда қолмасди. Булар: «Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Ҳалима Худойбердиева... «Улар устозларидан ўтиб кетишди!»...— бу ҳам Шароф аканинг айнан сўзлари. Адабиётимизнинг бу уч ёрқин юлдузи Шароф акада катта умид уйғотганди. Ўйлайманки, улар ўртасида бўлган ижодий мулоқотни уларнинг ўзлари учун қолдирсак яхши бўларди. Абдулла Ориповнинг китобларини Москвада нашр эттириш, унга муносиб ва мойил таржимон топиш хусусида бош қотирганларини Абдуллажоннинг ўзлари яқинда газетда ишонарли қилиб ёздилар ва Шароф аканинг Москвага йўлланган дастхатигача эълон қилдилар. Айни пайтда Эркин Воҳидов ҳам Шароф аканинг меҳр ардоғида эди. Унинг машҳур «Ўзбегим» шеъри атрофида турли кимсалар ўз ҳукмини ўтказишга уринганларини яхши биламан. Тун ярмидан оққанда ётоқхонада телефон жиринглаб, Шароф ака аллакимнингдир Эркин Воҳидов ҳақида билдирган эътирозларига: «Қўйинг, Эркин Воҳидовни сиздан кўра яхшироқ биламиз, тегманг, шоирни безовта қилманг», — деганини яхши эслайман. Кейин билсам, бу бемаҳалда сим қоққан республика Давлат хавфсизлик қўмитасининг раиси экан... Бироқ муддаосига ета олмади... Ҳалимахон ҳақида нима дейиш мумкин? Мен ўйлайманки, Ҳалимахон Шароф Рашидовнинг чин қизи эди ва шундай бўлиб қолди. Шароф Рашидов Ҳалимахонни кашф этганида бу жингалак соч, келажаги порлоқ қизча ҳали ўрта мактаб ўқувчиси эди.

— Санъат оламида Шароф Рашидов ардоқлаган кишилар кўп, албатта, Лекин ўзи билан ўзи ёлғиз қолганда Рашидов кимни тинглашни ёқтирарди!

— Шароф аканинг санъат оламига бўлган муносабати ҳақида сўз айтганда, ёдимга биринчилар қаторида Раҳим Аҳмедов, Сора Эшонтўраева, Шукур Бурхонов, Зикир Муҳаммаджонов, Галия Измайлова ва бошқалар кўз олдимга келади. Ажойиб ҳофизимиз, академик Юнус Ражабийга Шароф аканинг ҳурматлари бениҳоя зўр эди. Композиторлардан Улуғбек Мусаев, рассом Баҳодир Жалоловларни бизнинг келажагимиз деб билардилар. Баҳодирни эркалаб «худо бизга Камолиддин Беҳзодни қайтариб берди» деб фахрланиб гапирганлари ёдимда. Агар Шароф Рашидов қай куй ва мусиқани тинглашни хуш кўрарди, десангиз айтишим мумкин. У ҳаётида камдан-кам бўладиган ҳордиқ онларида Турғун Алиматов маҳорат билан чалган танбур қуйларини тинглаб ҳаёлга чўмарди. Ҳатто бир сафар: «Агар пенсияга чиқсам, албатта, танбурни ўрганаман», деб иштиёқ билан айтгандилар.

— Фан олами билан Шароф Рашидовни кимлар ва нималар кўпроқ боғлаб турарди!

— Шароф Рашидов фан оламининг муаммолари билан ҳеч эринмай эрта-ю кеч шуғулланишга тайёр эди. У Муҳаммаджон Ўрозбоев, Убай Орипов, Иброҳим Мўминов, Содиқжон Азимов ва бошқаларнинг муаммолари билан Москвага тез-тез қўнғироқ қилар, масалалар ечимини шахсан илтимос қиларди. Академик Королев билан уйдан туриб кўп сўзлашганлари ёдимда. Шароф ака Королев эътиборини Ўзбекистонга тортишга эътибор берарди. Айни пайтда турли соҳаларнинг муаммолари билан академиклар Федосеев, Келдиш, Александров, Овчинников ва бошқалар билан тез-тез телефон суҳбати қурарди.

Айни пайтда Шароф Рашидовнинг юрагида буюк армонлари ҳам бор эди. (Биз бир сафар академик Иброҳим Мўминовнинг хонадони меҳмони эдик. Икки қуда ,биз улар билан яқинда қудалашган эдик) Амир Темур буюклиги ҳақида, унинг тарихдаги ўрни ва хизмати ҳақида узоқ суҳбат қурдилар. Мен Амир Темур ҳақида уларнинг қарашлари нақадар яқинлигини англаб, ҳайратланиб қулоқ тутардим. «Темур ҳақида бизнинг давримизда жим туриш гуноҳ. Бироқ нима қилиш керак? Ахир Петр I кўкларга кўтарилиб кино қилинаяпти, романлар ёзилган. Амир Темур олдида у ким?.. — деб суҳбатни якунладилар Шароф ака. Иброҳим Мўминовнинг Амир Темур ҳақидаги машҳур рисоласи ана шу суҳбатнинг меваси бўлса ажаб эмас.

— Лев Толстой: «Толстойни Толстой қилган, —Толстойнинг кун тартибидир», — деган экан. Шароф Рашидовнинг «Кун тартиби» қай даражада эди!

— Шароф Рашидовнинг кун тартиби қатъий эди: серҳаракат ва камуйқулик унга хос эди. Тонг соат 5 да ўрнидан турар ва 30—40 минутлик ҳовли айланишдан сўнг иш столига ўтирарди. Энг муҳим хусусият — у бутунлай иш формасига кириб «ясаниб», сўнг ишга киришарди. Иш стулида соат 8 гача бош кўтармасди. Қалам енгил кўчганда ижод юришиб кетса бу ҳаракат соат 8 яримгача чўзиларди. Шунча йил яшаб, Шароф аканинг бирон марта ишга кечикиб кетганларини эслолмайман.

— Шароф Рашидов кўчадаги мавқеидан кечиб, «оддий ота» бўла олармиди! Оила даврасида унинг ўрни қандай эди!

— Мен Шароф аканинг уйда ва кўчада бир хилда камтарлиги ва оддийлиги ҳақидаги кўплаб мисоллар ва воқеаларни эслашим мумкин. Ўйлайманки бу кўпчиликка ҳам сир эмас, Шароф ака одам турган жойдан қайрилиб кетолмас, кўришмай ўтолмас эди. «Раҳбар Рашидов» ҳақида бугунга келиб озми-кўпми ҳақиқат рўёбга чиқиб, хотиралар, ёдномалар битилмоқда. Шароф аканинг оиладаги ўрни ҳам ниҳоятда оддийлик ва соддаликка асосланган эди. У ўз фарзандларининг севимли отаси, набираларининг ёқимли бобоси эди. Шароф аканинг ишдан қайтиши оиламизда кичкинтойларнинг, айниқса, катта байрами. Улар оталари ва боболарининг ҳар куни ишдан қайтишини ювиниб, тоза бўлишиб, ясаниб-тусаниб кутиб олишарди. Шароф ака набиралари билан ҳар тўқнаш келганда ҳар қанча чарчоқ босганига қарамай, уларни ердан озод кўтариб олар, эркалар ва кичкинтойлар нима ўқиб, нима ёдлашганини сўраб, суриштирардилар. Сўнгги йилларда бизнинг кичик оиламиз 20 кишига етиб қолганди. Улар тўпланганда Шароф ака уларнинг ҳар бирига хос сўз топиб айтар, номларининг ёнига ширин сифатлар қўшиб кўнглини кўтарар ва шодлантирардилар. Ўғлим Илҳомжон, қизларимиз Сайёрахон, Дилоромхон, Гулнорахон, Светахон ва қуёвларимиз Аҳтамжон, Толибжон, Азизжон, Алишержон ва набираларимиз Шароф ака ўтирган ҳолида катта ҳаёт мактабини ўтардилар. Мен буни пайқаганим учун ва бу мактаб ва сабоқ уларнинг келажак ҳаёти учун асқотишини билганим туфайли бир стол устида уларнинг бошини қовуштиришга жоним ҳалак эди. Афсуски, биз камдан-кам бунинг уддасидан чиқар эдик. Байрамлардагина биз тўпланиб, ҳамма стол атрофида ўз ўрнини эгаллаганда, одатда тўрдаги ўрин кўпинча бўш бўларди. Шароф ака гоҳ Москвада, гоҳ республика бўйлаб командировкада, гоҳида эса мажлисларда ўз дарди, ўз ғами ва катта ташвишлари билан банд бўларди. Биз эса буни тушунганимиз учун у кишини кутиб чарчамасдик. Ҳаёт бизга кутиш ва сабр-тоқат бахтини мўл-кўл берган экан. Мен ҳамон Шароф ака шу эшикдан мана ҳозир, мана-мана ҳозир кириб келадилар, деб кутаман. Қалбингдаги одамни кутиш бахти буюк ва мароқли бахт. Мен бахтли аёлман. Шароф Рашидовдек буюк ва табаррук зот билан умрим бирга ва ҳамнафас кечганлигидан бахтиёрман. Ҳа, мен бахтли аёлман.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ

●

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ ТЕЛЕРАДИОКОМПАНИЯСИ

●

ШАРОФ РАШИДОВ ФОНДИ

Атоқли давлат ва жамоат арбоби, адиб Шароф Рашидов таваллудининг 75 йиллигига бағишлаб

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА

1992 йил 5 ноябрь, соат 18.00 да

КАТТА ХАЙРИЯ КОНЦЕРТИ ЎТКАЗИЛАДИ

Концертга севимли хонандалар ва сўз усталари:

Олмахон ҲАЙИТОВА,
Ғуломжон ЕҚУБОВ,
Ортиқ ОТАЖОНОВ,
Аҳмаджон ШУҚУРОВ,
Ғиёс БОЙТОЕВ,
Охунжон МАДАЛИЕВ,
Маҳмуджон АЗИМОВ,
Авазбек МАҲМУДОВ,
Насиба АБДУЛЛАЕВА,
Муҳриддин ХОЛИҚОВ,
Тошмўлат МАТҚАРИМОВ,
Ботир МУҲАММАДХУЖАЕВ
Обид, Собит АСОМОВЛАР таклиф этилади.

Хайрия концерти ойнан жаҳон орқали намойиш этилади.

Хайрия концертига ҳомийлар танланяпти.

Концертга қатнашиб, Шароф Рашидов фондига ҳисса қўшишни истаган ташкилотлар, корхоналар, биржалар, фирмалар ўз таклифлари ҳақида олдиндан хабар беришларини сўраймиз.

Телефонлар: 33-65-45; 33-20-36; 32-54-35.

ЎТГАНЛАРНИНГ ОХИРАТИ ОБОД БЎЛСИН!

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги муовини, тиббиёт фанлари доктори, профессор.

Марат ДАМИНОВнинг

бевақт вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси Геология ва минерал ресурслар Давлат комитети, Геология, Геодезия ва картография ходимлари касаба уюшмаси марказий комитети геология давлат комитети раисининг биринчи ўринбосари Ғ. Н. Абдураҳмоновга онаси

Муаззам ОЙТУРАЕВАнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»

●

МУАССИСЛАР:

Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши ва «Ўзбекистон овози» журналистлар жамоаси

Бош муҳаррир Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ.

РЕДАКЦИЯЛАР: Иқтисодий ҳаёт — 33-47-80, 32-53-14, Ижтимоий ҳаёт — 32-21-43, 32-53-16, Вилоят мухбирлари билан ишлаш—33-12-16, 33-11-49, Хатлар бўлими — 33-20-36, 32-54-35, Котибият — 33-72-83, 32-53-06, Ахборот-тижорат хизмати — 32-54-14, Қабулхона — 32-55-15.

ЎЗ МУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-21-05, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-26-22, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Урганчда — 6-72-60, Фарғонада — 6-97-40, Термизда — 2-23-01, Тошкентда: шаҳар бўйича — 33-76-04, вилоят бўйича — 32-26-70

Навбатчи муҳаррир: С. СИРОЖИДДИНОВ.



БИЗНИҢҒ МАНЗИЛГОҲИМИЗ:

700083, Тошкент-ГСП, Ленинград кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси. Газета офсет усулида А—2 форматда босилади ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди— 21.00. Г—395. № 214. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.